

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ: ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

«Қимматли қоғозлар бозоридаги фаолият тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда анча узоқ – Қонунчилик палатасининг етти мажлиси мобайнида кўрилди ва охир-оқибатда, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси олдида ҳал қилиниши лозим бўлган қатор масалаларни кўйган ҳолда қабул қилинди. Уларни амалиётда ҳал этиш эса ҳужжатни, бунинг устига палата овоз берган моддаларини узил-кесил қайта ишлашга айланиб кетди. Қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчилар билан парламент аъзолари ўртасидаги баҳс-мунозараларга нималар сабаб бўлди?

АТАМАЛАРНИ КЕЛИШИБ ОЛАМИЗ...

Аввал-бошда депутатлар бўлғуси қонуннинг тушунчалар аппаратини алоҳида глоссарийга ажратиш ёки уни ишлаб чиқувчилар таклиф қилганидек ўз ҳолича қолдириш масаласини узоқ вақт ҳал қила олмадилар. Бошидан қонун лойиҳаси одатдагидек қимматли қоғозлар бозорининг барча элементларига бағишланган моддалардан иборат эди ва уларнинг ҳар бирида предметнинг таърифи, унинг хосса ва функцияларининг батафсил тавсифи, барча йўлдош бўлувчи талаблар, шартлар ва бошқа регламентлар мавжуд эди. Амалдаги тўртта қонунни ўзида бирлаштирган қонун ҳужжатида глоссарийнинг мавжуд эмаслиги унинг фойдаланувчилар томонидан идрок этилишини қийинлаштириши ва турдош ҳуқуқ соҳаларида атамаларнинг мос келмаслиги амалдаги қонунларга чалкашлик киритиши мумкин деб ҳисоблаган депутатлар бир қисмининг фикри охир-оқибатда лойиҳани жиддий равишда қайта ишлашга олиб келган шубҳалар учун асос бўлди. Бошқача айтганда, депутатлар глоссарий фойдаланувчига мазкур аниқ таърифлар «**ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланади...**» ифодаси орқали айти шу қонун контекстидагина фойдаланилади деб

тушунишга имкон беради деб ҳисобладилар. Агар уларни матн бўйича тарқатиб юборсак, атамалар қонунийлаштирилган универсал тус олади, бу эса бошқа қонун ҳужжатлари билан зиддиятларга олиб келиши мумкин эмиш.

Аслини олганда қонунчилик техникаси қонунларни глоссарий билан ҳам, унингсиз ҳам яратиш имконини беради. Чунончи, амалдаги қонунларимизнинг аксарияти ўз глоссарийларига эга эмас. Бошқа томондан эса, балки глоссарий билан ишлаш амалда қулайроқ бўлар. Спикер ишчи гуруҳга лойиҳанинг икки вариантини, кейинчалик улардан энг яхшисини танлаб олиш мумкин бўлиши учун, глоссарий билан ва глоссарийсиз тайёрлашни таклиф қилди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бўлғуси ягона қонун равшан, тўғри таркибланган ва фойдаланувчилар учун қулай бўлишидан ҳамма манфаатдор.

ЛИЦЕНЗИЯМИ? БИЗГА... ИККИТАСИ!

Қонун лойиҳасини муҳокама қилаётганда депутатлар қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни лицензиялаш масаласини ҳам кўтардилар. Сўз унинг профессионал иштирокчиларига танлаш ҳуқуқини бериш тўғрисида борди: улар

биргаликда олиб боришига рухсат бериладиган фаолиятнинг барча турларига битта лицензия олиш лозимми ёки унинг ҳар бир тури бўйича алоҳида лицензия бериш керакми? Бунда қандай мантиқ бор? Бир томондан, битта лицензия олиш ва у билан ишлаш яхшироқ бўлиб кўринади. Бу рухсат бериш таомилларини ва бизнесни ташкил этишга доир маъмурий чиқимларни қисқартириш умумий сиёсатига мувофиқ келади дейиш мумкин. Бошқа томондан эса, фаолиятнинг бир тури бўйича қандайдир ҳуқуқбузарлик учун ваколатли орган уни қайтариб олса, сиз ўз-ўзидан бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланиш ҳуқуқини йўқотасиз. Кўп депутатлар ушбу масалани бозор иштирокчиларининг ўзлари кўриб чиқишларига қолдириб, қонунда иккала вариант назарда тутилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар. Қонун лойиҳасининг учинчи ўқишида бу масала узил-кесил ҳал қилинади.

ДЕПОЗИТАРИЙ – ПРОФЕССИОНАЛ, БИРЖА ЭСА – ЙЎҚМИ?

Агар бозорнинг профессионал иштирокчилари ҳақида сўз юритсак, депозитарий, ҳисоб-китоб-клиринг палатаси ва фонд бозорининг бошқа институтларидан фарқи равишда, фонд биржаси янги қонунда улар рўйхатидан чиқарилиши мумкин.

Бу хусусда палата мажлисида ҳақиқатан ҳам сўз борди, ҳозир ишчи гуруҳ ушбу вариантни ҳам кўриб чиқмоқда. Ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари қонун лойиҳасида фаолиятнинг профессионал турлари сирасида

2-бетда

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

«ХАЛҚ СЎЗИ» УЧУН УСТАВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Кенгаши, Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши, Вазирлар Маҳкамасининг қўшма қарори (2007 йил 29 ноябрдаги 674-1, 402-1, 248-сон) билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти» давлат корхонасининг устави тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Ушбу устав тахририятнинг ҳуқуқий мақомини, фаолияти хусусиятларини, муассислар (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Кенгашлари, Вазирлар Маҳкамаси) ҳамда тахририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ва улар ўртасидаги мулкий муносабатларни белгилайди.

Тахририятнинг асосий фаолияти «Халқ сўзи» ва «Народное слово» ижтимоий-сиёсий ва оммавий нашрларини чиқаришдан иборатлиги белгиланди. Унинг вазифаларига республика парламенти ва Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа тузилмалар фаолиятини холис ёритиш; Ўзбекистон қонунлари матнлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, муассислар ва улар органларининг мажлислари ва йиғилишларига доир материалларни чоп этиш; мамлакат ва дунёнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида содир бўлаётган воқеаларни ёритувчи материаллар ҳамда ахборотларни мунтазам эълон қилиб бериш киради.

Жорий масалалар ва вазифаларни ҳал этиш учун тахририятнинг ижро этувчи органи бўлган тахрир ҳайъати ташкил этилади. Унинг таркибига бош муҳаррир, муассислар вакиллари, бош муҳаррир ўринбосарлари, масъул котиблар ва етакчи бўлимларнинг муҳаррирлари, журналистлар, жамоатчилик вакиллари кирадилар.

6-бетда

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ			
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 11 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)			
1 Австралия доллари	1126,37	1 Малайзия ринггити	384,97
1 Англия фунт стерлинги	2630,01	1 Польша злотийси	524,60
1 Дания кронаси	253,10	1 СДР	2042,06
1 БАА дирҳами	350,72	1 Туркия лираси	1091,45
1 АҚШ доллари	1287,58	1 Швейцария франки	1142,69
1 Миср фунти	233,42	1 ЕВРО	1886,82
1 Исландия кронаси	20,87	10 Жанубий Корея вони	13,96
1 Канада доллари	1276,60	10 Япония иенаси	116,30
1 Хитой юани	173,99	1 Россия рубли	52,65
		1 Украина гривнаси	254,97

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ							
Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	12.12.2007	1	0,8436	1	1,2404	1	0,0346
Арманiston	12.12.2007	1	303,01	1	444,58	1	12,41
Беларусь	13.12.2007	1	2154	1	3161,75	1	88,12
Грузия	12.12.2007	1	1,6	1	2,3534	1	0,0655
Қозғистон	13.12.2007	1	120,7	1	177,2	1	4,94
Латвия	13.12.2007	1	0,479	1	0,702804	1	0,0196
Литва	13.12.2007	1	2,3487	1	3,4528	10	9,6104
Молдова	12.12.2007	1	11,2758	1	16,5443	1	0,4609
Тожикистон	12.12.2007	1	3,4636	1	5,0977	10	1,4185
Ўзбекистон	11.12.2007	1	1287,58	1	1886,82	1	52,65
Украина	12.12.2007	100	505	100	740,936	10	2,0682
Эстония	12.12.2007	1	10,6555	1	15,6466	1	0,435794

Манба: www.prime-tass.ru

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА				
2007 йил 11 декабрь ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси				
Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1296,00	1298,00	1887,00	1907,00
"Асака" банки	1296,00	1298,00	1887,00	1902,00
"Ўзсаноатқурилишбанки"	1295,00	1298,00	1888,00	1898,00
"Пахтабанк"	1295,00	1297,00	1895,00	1900,00
"Халқ банк"и	1296,00	1298,00	1888,00	1900,00
"Ипотека-банк"	1295,00	1297,00	1888,00	1895,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1295,00	1298,00	1906,00	1911,00
"UzKDBбанк"	1295,00	1298,00	1886,00	1904,00
"Фаллабанк"	1296,00	1298,00	1887,00	1896,00
"Трастбанк"	1296,00	1298,00	1888,00	1898,00
"Алп Жамол банк"	1295,00	1298,00	1897,00	1902,00
"Алоқабанк"	1296,00	1298,00	1888,00	1916,00
"Ў-Т банк"	1295,00	1298,00	1887,00	1907,00
"Туронбанк"	1295,00	1298,00	1886,00	1894,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1295,00	1298,00	1887,00	1920,00
"Ипак йўли" банки	1296,00	1298,00	1899,16	1902,09
"Микрокредитбанк"	1296,00	1298,00	1899,00	1902,00
"Туркистон" банк	1295,00	1298,00	1907,00	1920,00
"Даврбанк"	1295,00	1298,00	1887,00	1900,00
"Кредит-Стандарт" банки	1296,00	1298,00	1887,00	1915,00
"Капитал банк"	1296,00	1298,00	1886,90	1915,00
"Содерат банк"	1295,00	1298,00	1870,00	1970,00
"Хамкор банк"	1296,00	1298,00	1850,00	1930,00
"Универсалбанк"	1296,00	1298,00	1899,00	1902,00
"Парвинабанк"	1295,00	1298,00	1889,00	1892,00
"Равнақбанк"	1296,00	1298,00	1887,00	1907,00

«Банк ахборотномаси» 50 (605)-сон 2007 йил 12 декабрь.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ: ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

1-бетда
қимматли қоғозлар биржа савдоларини ташкил этишни кўрсатмаганликлари (рўйхатга киритилган биржадан ташқари савдолардан фарқли равишда) мунозарага сабаб бўлди, депутатлар эса амалдаги қонунчиликда бу масала ноаниқ тусга эга деб билдилар...

Биржа мақоми тўғрисидаги масала, дастлаб қараганда, мураккаб эмасдек. Нопрофессионал фаолиятдан фарқли равишда профессионал фаолиятнинг лицензияланиши тушунарли. Мисол учун, исталган жисмоний ёки юридик шахс нопрофессионал иштирокчи – акциядор бўлиши мумкин, бироқ биржа савдоларини қонуннинг барча талабларига мувофиқ ташкил этиш ва тартибга солиш (қимматли қоғозлар билан биржа операциялари қоидаларини тасдиқлаш, ин-

вестиция институтларига энг кам талабларни қўйиш ва бошқа талаблар орқали*, бу эса ихтисослашиш юқори даражада бўлишини тақозо этади) ҳар қимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда фонд биржасининг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатида тўғридан-тўғри таърифи ҳозиргача бўлмаган дейлик. Бироқ «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «қимматли қоғозлар бо-



зорида инвестиция институтлари ва фонд биржаси томонидан касбий фаолиятни тегишли ли-

цензияларсиз амалга ошириш» тақиқланган. Бироқ, модамики депутатларда шундай савол юзага келган экан, демек унда қандайдир мантиқ мавжудлигини кўрганлар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, учинчи ўқишни кутамиз...

БУЛАРНИНГ ҲАММАСИНИ КИМ ТАРТИБГА СОЛАДИ?


Депутатларнинг иккинчи ўқишдаги жуда кўп тақлифлари амалдаги меъёрларни фонд бозорини тартибга солиш, хусусан, ваколатли орган – Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг идоравий бўйсунуши ҳамда функцияларини қайта кўриш борасидаги ўзгартишларга тааллуқли бўлди. Марказ вакиллари бундай саволларга жавобан ушбу иккала ҳолатни ҳам назарда тутмаган қонун лойиҳасини тайёрлаш тўғрисида топшириқ берилгани-

ни рўқач қилдилар. Уларнинг фикрича, қонун лойиҳаси ҳозирги кўринишида Президентнинг ПҚ-475-сон қарори** талабларига тўлиқ жавоб беради. Ишлаб чиқарувчилардан амалдаги тўртта қонун ҳужжати меъёрларини бир қонунда бирлаштириш ва унда Президент ўртага қўйган бир қатор аниқ масалаларни ҳал қилиш (қимматли қоғозлар бозори барча иштирокчилари томонидан ахборот очиб берилиши мажбуриятини белгилаш, илгари чиқарилган нақд қимматли қоғозларни нақдсиз қимматли қоғозларга ўтказиш (дематериализация), маълумотлар маркази ва номинал тутувчилар икки даражали тизими базасида марказий регистратор тизимини ривожлантириш, профессионал фаолиятни биргаликда олиб боришга чеклашларни бекор қилиш) талаб қилинарди. Марказ мутахассисларининг фикрича, ишлаб чиқарувчилар бу вазифани бажарганлар.

Юлия ЯШИНА,
махсус мухбиримиз.

* Қонуннинг 20-22-моддалари.

** 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида».



ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

ҚАРЗДОР ҚОРХОНА УЗОҚ ВАҚТДАН БЕРИ ҚАРЗИНИ УЗМАЁТИР, СОЛИШТИРУВ ДАЛОЛАТНОМАСИНИ ИМЗОЛАМАЙДИ ҲАМ. ШУ САБАБЛИ ТЎЛОВ ТАЛАБНОМАСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ИМКОНИЯТИ ЙЎҚ. ҚАРЗНИНГ МУДДАТИ АЛЛАҚАЧОН ЎТИБ КЕТГАН. БУХГАЛТЕР, СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗЧА, ШУНДАЙ ҲОЛЛАРДА НИМА ИШ ҚИЛИШ КЕРАК?

• Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери, сертифициланган аудитор Галина Юрьевна:

– Ҳаракат қилиш, қараб ўтирмаслик керак. Аввало қарздор қорхона номига даъво хати жўнатиш зарур. Ҳўжалик суди солиштирув далолатномасини, ҳатто у масъул шахслар томонидан имзоланмаган бўлса ҳам, талаб қилади. Шуниси ҳам борки, низони судга қадар ҳал этиш тартиб-таомилига аниқ риоя этиш лозим. Шу сабабли қарздорга тақдим этилаётган ҳужжатларга қорхонангиз биздан қарздор, бажарилган иш учун пул тўлашдан ўзини олиб қочмоқда, натижада фирмамиз молиявий зарар кўрмоқда, бунинг устига нақд фойдадан қуруқ қолмоқда қабилида хат илова қилинг. Бу ҳужжатларни чопар орқали юборганингиз маъқул, у ҳужжатларни топшириб, нусхаларига топширганлик ҳақида тасдиқ тариқасида имзо қўйдириб олади. Ҳўжалик суди моҳиятан бундай ишни кўришдан бош торта олмайди ҳамда муайян муддат мобайнида тегишли чоралар кўриш ҳақида бир тўхтамга келиши лозим. Шу зайл бухгалтерия тақдим этилган даъвони текшириш юзасидан чоралар кўрилмаган тақдирда, масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилган бўлади. Бундай ҳолларда мурожаатга тегишли йўсинда эътибор қилинмаганлигини ҳужжатлар яққол кўрсатиб туради.

Фирмамиз амалиётида шунга ўхшаш воқеалар бўлган. Тўғри, уларни тинч йўл билан ҳал этганмиз. Қарздор қорхона талаб даражасида расмийлаштирилган ва оқибати материалларни ҳўжалик судига ошириш билан тугалланиши маълум қилинган хат олгач, бўйнидаги қарз суммасини ўша заҳоти тўлади. Баъзи ҳолларда судга мурожаат этиб, унинг ёрдамида буюртмачилар дебиторлик қарзларини узишларини таъминлашга ҳам тўғри келган. Суд ҳал қилув қарорини чиқарганидан кейин уч ҳафта мобайнида қарздор қарзини тўлашга киришиши шарт. Акс ҳолда биз ҳўжалик судини жавобгар томонидан ҳеч қандай ҳаракат бўлмаётганлигидан ёзма равишда хабардор қиламиз, шунда суд ижрочиси қарздорнинг кўчар ва кўчмас мулкни бизнинг зарарларимизни қоплаш мақсадида хатлаш таомилига киришади. Аммо такрор бўлса ҳам айтаманки, одатда иш бунгача бориб етмайди, негаки, жавобгар бевурдлиги ҳаммага ошкор бўлишидан кўра қарзни тўлаб қўтилишни маъқул билади. Фирмамиз юристи суд билан ҳамкорликда иш олиб боради: у қонун ҳужжатларини ҳам, ўз ваколатларини ҳам яхши билади.

• Матбаа хизматлари соҳаси бош бухгалтери Людмила Михайловна:

– Бизда бунақаси сира учрамаган. Бундай ҳолларда Давлат солиқ инспекциясига мурожаат этиш яхшидир? Солиштирув далолатномасини тузиб, илова қилинаётган хатда буюртмачи уни имзолашдан бош торганлигини маълум қилиш, далолатномага шартнома, ҳисобварақ-фактура, тўлов ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилиш керак. Менимча, ДСИ қарздор қорхонани тартибга солиб кўя олади.

• Депозитар компания бош бухгалтери Нилуфар Абдурахимовна:

– Фирма келишиб олинган ишларни бажарганлигини

тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда даъво аризасини ҳўжалик судига киритиши лозим. Суд молиявий маблағларни даъвогар фойдасига ундириб олиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилганидан кейин ижро варақаси асосида айтилган суммани банк қарздор қорхона ҳисобидан олиб, мазкур миқдор учун иш бажарган ёки хизмат кўрсатган қорхона ҳисобварағига ўтказиши шарт. Қорхоналар одатда иш судгача боришини хоҳламайдилар, чунки ишларни кўриш узоқ чўзилиши мумкин, қолаверса суд чиқимлари, асаб бузилиши ва шу сингарилар бор. Гарчи даъвогар учун қарзни ундириш масаласи ижобий ҳал бўлса-да, у ҳўжалик соҳасини яхши биладиган юристи ёллаши зарур. Тўғри, унга ҳақ тўлаш керак бўлади – бундайлар текинга ишламайди-ку, ахир...

Умуман олганда, илгари бирмунча осонроқ эди. Солиштирув далолатномасини бир тарафлама тартибда имзолаб, муҳр босиларди-ю, банкка жўнатиларди. У ерда қарздорнинг ҳисобварағидан талаб қилинган суммани олиб, сизнинг активингизга ўтказиб қўйишарди. Аммо қонун яратувчилар бундай ҳолатда юридик шахснинг у ёки бу жиҳатдан ҳуқуқлари камситилиши содир бўлади, бундай мажбурий банк операцияларидан у хабардор бўлмай қолади деб ҳисоблаганлиги боис ҳозир бу тартиб ўзгарган. Бош бухгалтер сифатида ишнинг бундай олиб борилишига қарши эмасман, зотан фирмамиз ҳисобварағидан бир тийин ҳам менинг хабаримсиз бошқа ёққа кетмаслиги керак. Бироқ ҳақ бўлмасам, пудратчиға у билан тузилган шартнома бўйича пул тўлашни тўхтатиб турган бўлсам, шунга яраша жазо ҳам бўлиши керак-ку! Ижрочи ишни тўлиқ бажармаган ёки сифатли бажармаган ҳоллар эса бундан мустасно. Шундай ҳолларда судга бориб ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилсанг арзийди.

Саволда айтилган вазиятни бирмунча бошқачароқ талқин этиш ҳам мумкин. Биз тармоқ депозитарийсидамиз. Тизим ичида бундай масалалар юқорироқ даражада ҳал этилади. Мен, масалан, корпорацияга мурожаат қилиб, қарздорга нисбатан чора кўришларини сўрашим мумкин. Ҳақимни муаммосиз оламан ҳам. Бунда таъсир этишининг ички воситалари иш беради. Чет ташкилотлар билан бошқачасига иш тутамиз. Дебиторлик қарзини ундириш билан шуғулланадиган фирмалар ҳам бор: улар ҳақ эвазига хизмат кўрсатишади. Касб бўйича жуда пухта эканликларига тан бериш лозим. Келишиб олинган, улар қонуний асосда, расмий йўл билан қарзлар тўланишига эришадилар. Беш йилча олдин бизга 600000 сўмни қайтариб олишимизга ёрдам беришди – 10 фоизи фирма кўрсатган хизмат ҳақини тўлашга кетди. Қарзни ундириш билан боғлиқ ҳамма ташвишларни фирма ўз гарданига олди, биз зарур ҳужжатларни бердик, холос. Қолганини фирма ходимлари икки ой ичида ҳал қилишди. Ҳолбуки, биз ана шу қарзни икки йилда ҳам қайтариб ололмаган эдик.

• Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери Ирина Викторовна:

– Қарздор ташкилотга оид бирламчи ҳужжатларни тўплаш, даъво ҳужжатини тузиб, расмий йўсинда унга юбориш, фалон шартнома бажарилмаганлиги учун ҳўжалик суди-

га бермоқчи эканлигимизни маълум қилишимиз керак. Кўрсатилган муддат мобайнида қарзни узиш юзасидан ҳеч қандай жавоб бўлмаса, божини тўлаб судга мурожаат қилиш жоиз. Суд билан юристимиз мулоқотда бўлади. Бизлар тақдим этган ҳужжатлар асосида суд ишни кўриб чиқиб, ҳал қилув қарори чиқаради. Жавобгар суд муҳокамасида ҳозир бўлмаса, иш сиртдан кўрилиши мумкин. Суд даъвогарга қизил чизиқли махсус бланка беради. Биз уни тўлдириб, банк орқали акцепт тўлов талабномаси тақдим этамиз. Банк эса қарздор қорхона ҳисобварағидан суд белгиланган суммани олиб, бизга ўтказиши шарт.

Фирмамиз баъзан ноинсоф буюртмачиларга ҳам бақамти бўлиб туради. Улар билан боғлиқ барча масалалар узоғи билан уч ой ичида бизнинг фойдамизга 100 фоиз ҳал бўлади. Аммо қорхоналарнинг аксарияти билан масалани судсиз ҳал қилишга ҳаракат қиламиз. Ҳақ тўлаш зарурлигини уларга эслатишдан эринмаймиз. Ҳамма нарса аввало шериклар билан ўзаро муносабатга боғлиқ. Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра уч ой ўтганидан кейин қарзини тўламаётган миқдорга нисбатан қандайдир чоралар кўриш зарур. Мазкур вазиятда биз томондан ҳаракат бўлганлигини ҳар қандай текширувда тасдиқлайдиган қоғозлар, ҳужжатлар қўлимизда тайёр туриши керак.

Бюджет олдида қарзингиз бўлса, солиқ инспекцияси ҳам ёрдам бериши мумкин. Фалон шартнома бўйича фалончи сизга пул тўланмаганлиги ҳақидаги билдирги хатни инспекцияга йўллаб, унда ҳар иккала тарафнинг реквизитларини кўрсатасиз. Шундан кейин инспекция билан бирга солиштирув далолатномаси тузилади. Кейин инспекция ходимлари қарздор фирмага тўлов талабномасини тақдим этадилар. Тўғри, бунда пуллар сизнинг ҳисобварағингизга ўтказилмайди – сизлар тўлашингиз лозим бўлган солиқлар учун чегирма қилинади.

• Алоқа хизматлари соҳаси бош бухгалтери Елена Викторовна:

– Бошламасига даъво хатини ёзиб, уни мазкур қорхонага почта орқали буюртма хат тарзида юбориш керак. Хат юборилганлигини тасдиқловчи квитанцияни сақлаб қўйишингиз шарт. Шундан кейин даъво аризаси ва барча ҳужжатларнинг нусхалари, шу жумладан ҳар иккала тараф имзолаган ёки бир тараф имзоламаган ҳисобварақ-фактура билан судга боравериш мумкин. Бу иш билан одатда юрист шуғулланади. Суд жавобгарга пеня ва жарима белгилайди, даъвогарга қизил чизиқли талабнома берилганлигидан хабардор қилади (шу талабнома асосида пул жавобгарнинг ҳисобварағидан даъвогарнинг ҳисобварағига кўчирилади). Агар қарздор қорхонада пул бўлмаса, банк бу хусусда алоҳида маълумотнома беради. Шунда сиз ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш талаби ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этишингиз мумкин. У ёғи суд ижрочисининг иши: бухгалтер ўзидан бутун жавобгарликни соқит этди.

Бизда солиқ текшируви бўлганда бир неча шунга ўхшаш ҳоллар юзасидан ҳўжалик судлари чиқарган ҳал қилув қарорларини инспекторларга тақдим этдик. ДСИ ходимлари уларни текширув далолатномасига қўшиб қўйишди. Ҳатто бу пайтга келиб ёпилиб кетган фирмалардан ундириб олиш имкони бўлмаган дебиторлик қарзлари юзасидан ҳам бизга ҳеч нарса дейишмади. Суд ижрочилари бундай фирмалар ва шу ҳаракатлар натижасига асосланиб, қарзни талаб қилиб олиш илжосизлиги ҳақида хулоса ҳамда мазкур суммаларни қорхонанинг зарари ҳисобига ўтказиш хусусида тавсия берадилар. Одатда ўрни-тағида йўқ жавобгарнинг қарзи учун кафолат берадиган валломат

ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

бўлмаганда шундай бўлади.

• Мехмонхона хизматлари кўрсатиш соҳаси бош бухгалтер Евгений:

– Одатда керакли барча ҳужжатларни тайёрлагач, қарздорларни судга берамиз. Аммо олдин уларга почта орқали хат жўнаиб, даъволаримизни айтаемиз, солиштирув далолатномасини ҳам юборамиз. Судлар бундай ишларни одатда 2-4 ҳафтада кўриб, ҳал қилув қарори чиқарадилар. Агар солиштирув далолатномасини иккинчи тараф имзоламаган бўлса, судга ҳисобварақ-фактурани тақдим этишнинг ўзи кифоя, чунки бу ҳам молиявий ҳужжат, даъвогар фойдаси учун салмоқли далилдир.

• Консалтинг соҳаси бўйича сертификатланган аудитор Вера Васильевна:

– Биринчидан, бундай қарздор корхона билан ҳар қандай мулоқот расмий тарзда бўлиши керак. Хусусан, уч нусхада солиштирув далолатномаси тузгач, нусхаларини ўша фирмага илова хат билан бирга юборасиз. Агар улар хатни қабул қилмасалар, илова қилинаётган ҳужжатларни рўйхат билан хатжилдга солиб, почта орқали буюртма хат тарзида, топширилганлиги ҳақида хабарнома оладиган йўсинда юборасиз. Барча қвитанцияларни сақлаб қўйиш керак. Агар хатга жавоб бўлмаса, яна даъво хати ёзинг – бу хат энди юридик хусусиятга эга бўлади. Назаримда, бухгалтернинг ваколатлари ана шу ҳаракатлар билан чекланади. Бундан кейин мазкур иш билан компания раҳбарияти ва юридик хизмат шуғулланади ёки ана шундай масалалар билан ҳақ эвазига шуғулланадиган махсус фирмалар жалб этилади. Одатда бундай фирмаларга илгари шартномавий муносабатлар бўлими ҳам бўлган йирик ташкилотларда ишлаган, муаммони тез ва энг асосийси, самарали ҳал этиш учун қандай ҳужжат ёки расмий қоғозни қаерга юборишни яхши биладиган кишилар бошчилик қиладилар. Корхоналарнинг аксарияти суд билан боғлиқ ишларни хушламайди, шу сабабли қарзни тўлаб қутулиб қўя қолади. Қарз тўланмаган бўлса, таомил қарздор банкот деб эълон қилингунга қадар давом этади. Бундай саъй-ҳаракатлар самара бериши турган гап. Бизнинг тизимимизда иш бунгача бориб етмайди – бош бухгалтернинг тўлов тўланмаганлиги хусусидаги танбеҳнинг ўзи кифоя. Тасарруфдаги корхона қарзни бир йўла бўлмаса-да, аста-секин тўлайди.

• Қурилиш соҳаси бош бухгалтери Татьяна Авамяевна:

– Менинг амалиётимда қарздорларга нисбатан даъволарни адвокатлик идораси орқали судга беришга тўғри келган. У ерда иш очиб, ҳал қилув қарори қабул қилинган. Шартномада келиши олинган пулни олиш учун банка тўлов талабномаси тақдим этиш йўлидаги ҳаракатларимизнинг фойдаси бўлмади. Чунки банк бир тарафлама имзоланган солиштирув далолатномасини олмади. Бундан ташқари ҳужжатларнинг нусхаларини илова хат билан бирга қарздор фирма рўйхатдан ўтган жойдаги солиқ инспекциясига топширдик, лекин бу инспекциядагилар талаб даражасида расмийлаштирилган солиштирув далолатномаси йўқлиги сабабли талаб тақдим эта олмадилар. Қарздорларнинг аксарияти ҳоли жонига қўймаганимиздан кейин кечроқ бўлса ҳам биз билан ҳисоб-китобни охирига етказишди. Баъзи корхоналар тугатилиб кетганлиги сабабли муайян миқдордаги суммаларни зарарлар ҳисобига ўтказиб, ҳисобдан чиқаришга мажбур бўлдик. Икки тараф ҳам имзолаган солиштирув далолатномаси қўлимизда бўлган ва суд пулларни қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисида қарор чиқарган бир ҳолатда эса қарздор қочиб кетиб ном-нишонсиз йўқолди ва бу иш муаллақ, осилиб қолди. Мен қарздорнинг ота-онаси, қариндошлари манзиллини, телефон рақамларини ҳам топдим. Лекин қарздор топилмади.

Моҳиятан олганда биз томонимиздан турли инстанцияларга бот-бот ва мунтазам равишда қилинадиган мурожаатлар энг аввало текширувчилар кўз ўнгида ўзимизни оқлаш-у, тўлов тўлашдан қочиб юрган ашаддий ноинсофларни амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ишлашга уната олмастимиз шунчаки намойиш этишдан бўлак нарса эмас. Бир сафар шу йўл билан катта миқдордаги суммани зарар ҳисобига ўтказиб, фирмамизни ёпишга тўғри келди.

Газетхонларга келгусида ҳамкор бўладиган шерикларини яхшироқ билиб олишларини маслаҳат берган бўлур эдим. Агар уларга ҳақиқатда ишонсангиз, катта суммадаги ва узоқ муддатга мўлжалланган шартномаларни тузишингиз мумкин. Агар шерикларингиз янги бўлса, ҳатто 15 фоизни олдиндан тўлаганлари тақдирда ҳам, ўзингизни хавф-хатардан холи этиш учун улар билан дарҳол солиштирув далолатномасини тузиб имзолатиб олинг. (Баъзан тузилаётган битимга ички тўйғу билан кўнглингизда шубҳа сезсан, аммо баҳоси ҳам, муддати ҳам, маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва товарнинг ўзи ҳам қаноатлантираётганлиги сабабли бирон нарса қилолмайсан). Узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш истагидаги ҳалол одам солиштирув далолатномасини дарҳол, гап-сўзсиз имзолайди, кўнглида бошқа гап бўлган ҳамкор эса ҳар хил баҳона билан имзолашдан қочмоқчи бўлади. Худди шу нарса сизни хушёрликка ундамоғи керак.

• Дастурий таъминот соҳасидаги якка тартибдаги тадбиркор Ольга Ивановна:

– Менинг ўзимда ҳам 2006 йил февралдан буён шундай қарздорлар бор – бу хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидир. Улар юмшоқроқ қилиб айтганда, бойбадавлат ташкилот эмас. Улар учун «Квартира ҳақи ҳисобини юритиш» дастурини ишлаб чиқиб, идораларидаги компьютерларига ўрнатиб берганман. Шу кунга қадар улар қарзларини узишмади, лекин тўлаймиш деган ваъдадан нари ўтишмайди. Ўзлари картотекада ўтиришибди, шу сабабли ҳисоблашув ҳужжати тақдим этган тақдиримда ҳам пулларимни қачон олишим маълум эмас.

Ширкатлар молиявий маблағлар борасида чекланганлигини биламан. Аммо улар иш ҳақи тўлаш, бошқа тўловларни амалга ошириш эпини қилмоқдалар-ку. Шундай экан, кундалик ишларида беназир ёрдамчига айланган дастур учун нега ҳақ тўламаяптилар? Мен учун биттагина йўл қолди. Каттагина пул бой бериш эҳтимоли бўлса ҳам, яратган дастуримни ҳимоя қилиш мақсадида дастур ишлатилиши йўлини тўсиб қўйишим керак. Тадбиркорнинг ўз зарарига ишлашдан маъни йўқ, лекин ширкатларни судга беришни истамайман. Муаммо қонуний асосда, аммо ҳокимият тузилмалари иштирокисиз ҳал бўлишдан умидворман.

• Ишлаб чиқариш корхонаси бухгалтери Иброҳим:

– Менинг фикримча, айна шундай ҳолатлар учун юристлар



бор. Тўғри, чоғроқ фирмаларда бундай мутахассис бўлиши ҳаражатлар маъносиди оғирлик қилади, лекин йирик корхоналарда ҳатто юридик бўлимлар ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда қарзни ундириш учун судга мурожаат қилиш жилла шарт эмас. Низо бўлган тақдирда суд юридик шахс рўйхатга олинган жойда ўтиши керак, буни эса даъвогар фойдасига деб бўлмайди. Айниқса жавобгар, айттайлик, олисроқ минтақада бўлса! Гап бориш-келиш, меҳмонхонада яшаш ҳаражатлари ва шу сингариларда эмас, балки кутилган натижага эришиш қафолатлари йўқлигидадир.

Илгари қўшма корхонада ишлаганман, у ерда шунга ўхшаш воқеалар учраган. Қўшма корхоналарга алоқадор ишлар билан адлия органлари шуғулланадилар. Шу боис бунақа муаммолар тезгина, муҳими қўшма корхона фойдасига ҳал бўлади.

• Божхона хизматлари соҳаси бош бухгалтери Светлана:

– Бу масалани мунтазам назорат қилиб борганимиз учунми, бизларда бундай вазиятлар бўлмаган. Ҳақ тўлашнинг кечикиши узоғи билан икки ҳафтага боради, холос.

• Улгуржи савдо соҳаси бош бухгалтери Дилёра:

– Бу масала раҳбарнинг ваколатига киради деб ҳисоблайман. Агар тузилаётган шартномалар ва шундан кейин келадиган ҳақ унга муҳим бўлса, масалани ўзи ҳал этиши лозим. Бухгалтер ҳамкорлар тўловларни вақтида тўламаганлиги учун жавобгар бўла олмади, у директорни энг муҳим операциялардан, дебиторлик қарзи юзага келганлигидан хабардор этиб бориши керак. Зеро, ҳамкор шерикни директор танлайди, шундай бўлгач, ўша ҳамкордан қарзни ҳам унинг ўзи талаб қилиши керак. Ҳар хил ҳолатлардан холи бўлиш учун директорга малакали юристнинг ёрдами керак.

• Дори воситалари ишлаб чиқариш корхонасининг молиявий директори Алла Александровна:

– Даставвал тўлов тўланмаганлиги сабабини аниқлаб олиш керак. Биз, масалан, у ёки бу фирма вақтинча қийинчиликларни бошидан кечираётганлигини билгач, уларнинг аҳволини тушуниб, муайян фурсат кутиб тураемиз. Одатда бундай ҳолат ўзини оқлайди. Яхши одамлар билан яхшиликча, ёмонлар билан эса бошқача иш тутиш керак.

Суднинг ёрдами нима бўларди: нари борса, қарздор корхонанинг ҳисобварағидан мажбурий тартибда банк пулни олиши учун қизил чизикли талабнома бериши мумкин, холос. Жавобгарда пулнинг ўзи бўлмаса-чи?! Шундан кейингина тегишли талабни мол-мулкка қаратиш мумкин. Судга қилинган мурожаат иш бермагач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юзланасиз. Бир сафар пулларимизни прокуратурадаги махсус департамент орқали ундиришга ҳам тўғри келган. Аммо аксарият ҳолларда ишни тинч йўл, мурося билан ҳал қилишга ҳаракат қилаемиз.

Бухгалтер раҳбарни тўлов тўланмаганлигидан вақтида хабардор қилишдан ташқари қандай чора кўриш зарурлиги ҳақида таклиф ҳам айтиши керак. Қарзни ундириб олишда у директор ва юрист билан бир қаторда фаол тарзда иштирок этмоғи керак. Тўғри, ҳаётда ҳар хил ҳодисалар бўлиб туради. Масалан, қарздорларимиздан бири қочиб кетди, даъво муддати тўғрисидаги қарзини корхонамиз зарарига ўтказишга мажбур бўлдик. Солиқчилар бунга эътироз билдиришмади, чунки ҳатто ана шу пуллардан ҳам солиқ тўлаймиз. Товарларни олдиндан ҳақи тўлиқ тўланган ҳолда реализация қилишга ҳаммиша ҳам муваффақ бўлавермаймиз-ку, ахир.

• Қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқариш корхонаси бош бухгалтерининг ўринбосари Рустам Менгариевич:

– Очигини айтганда, ҳар ойда шундай вазиятга дуч келаемиз. Шу сабабли солиштирув далолатномасини тайёрлаш биринчи галда қиладиган ишимдир. Умуман, тарафларнинг ҳеч бири уни имзоламастика ҳақи эмас, чунки ҳар қандай шартнома шуни тақозо этади. Акс ҳолда, корхонанинг юрисконсулти даъво аризасида далолатнома бир тарафлама тартибда имзоланганлигини кўрсатиб ўтади. Далолатномага маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартнома, товар берилганлиги доир ҳисобварақ-фактура ёки тўлов топшириқномаи илова қилиниши, шунингдек жавобгардан талаб қилиб олиш юзасидан сиз мўлжаллаётган қарзнинг ҳақиқий суммаси кўрсатилиши керак. Ҳозирги кунда судлар хўжалик низоларини кўришда ўз имкониятларидан яхши фойдаланмоқдалар деб ўйлайман. Кейинги ўн йил ичида даъво аризалари тақдим этиш қарийб 15 баравар кўпайганлиги ҳам шундан далолат беради. Хуллас, бундай масалаларни ҳал этишнинг ягона тўғри усули шу.

Корхона бошқа ташкилотлар олдида ҳам қарздор эканлиги ҳамда 2-картотекада турганлиги, унинг ҳисобварағига тушадиган маблағлар навбат билан

дастлаб солиқларни, кейин даъвога оид ҳал қилув қарорларини, сўнгра оддий тўловларни тўлашга йўлланиши белгилаб қўйилгани эса, бутунлай бошқа гап. Судда иш ютиб чиқилган тақдирда ҳам пулни олиш жуда қийин кечади. Ана шунда яна банка сўров билан мурожаат қилишга мажбур бўласиз, банк сизнинг ишингиз бўйича чиқарилган суднинг ҳал қилув қарори жавобгарда пул йўқлиги ва иккинчи навбатда турганлигини учун ижро этилмаётганлигини тасдиқлайди. Кейин қарздор корхона жойлашган ердаги суд қарорларини ижро этиш бўйича туман департаментига мурожаат қиласиз, яна даъво аризаси ёзасиз. Ана шундангина суд ижрочилари жавобгарнинг мол-мулкини қуйидаги навбат бўйича хатлашга қаришади: аввал ноишлаб чиқариш асосий воситаларини, кейин қимматли қоғозлар ва пул маблағларини, охирида автомобиллар ва компьютер техникасини хатлайди. Мол-мулк хатлашга киришилгач, қарздор одатда талаб этилаётган пулни топади.

Бир маслаҳат. Ҳозирги шартномаларда директорнинг оддий имзосидан ташқари ҳамкор фирмалар ишчанлик обрў-эътиборини ўрганиш билан ҳам шуғулланадиган маркетинг бўлими вакилининг имзоси бўлиши керак. Бундан ташқари ҳар эҳтимолга қарши банкдан ҳамкорингиз ҳисобварағида пул бор-йўқлигига оид маълумотнома олгангиз маъқул. Муайян ҳақ эвазига пулингизни олиб беришни ваъда қилувчи хайрихоҳларга ишонманг. Қарзни қонуний асосда, ўз кучингиз билан ундиришга ҳаракат қилинг.

• Директор Олимжон Хидирович:


– Бунақа масалаларни фақат хўжалик судининг ёрдамида, қонун ҳужжатларида белгиланганидек ҳал қилиш дуруст. Майли, у ҳал қилув қарори чиқарсин, суд ижрочилари қарорни бажарадилар-ку, ахир. Охир-оқибатда қарздор пулни тўлай олмаса, унинг мол-мулкини хатлаб олиб кетадилар. Бундай ҳолатлар ҳозир оз эмас. Масалалар даъвогар фойдасига ҳал бўлмоқда, аммо уларнинг шу тахлит хотима топиши қийин кечмоқда. Давлат буюртмасини бажариш билан машғул давлат ташкилотларидан пул олишда муаммо кўп. Айниқса, йирик акциядорлик компаниялари қийинчилик сезмоқда. Баъзан бундай ишларни ҳомийлик ёрдамида бажаришга ҳам тўғри келади, бу иш ҳам солиқ ҳисобига ўтказилса ёмон бўлмасди.

Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.


КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ АМАЛ ҚИЛИБ ТУРГАН СТАНДАРТЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ БУХГАЛТЕРЛАРНИНГ ИШНИ ЕНГИЛЛАШТИРДИМИ? БУ ҲУЖЖАТЛАРДА СИЗНИ НИМАЛАР ҚОНИҚТИРМАПТИ? БУХГАЛТЕРИЯГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМИМИЗДА, СИЗНИНГЧА ҚАНАҚА СТАНДАРТ ЕТИШМАЭТИР?

Жавобларингизни 144-44-45 факси ёки normapress@mail.ru электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин. Газетхонларимизда энг катта қизиқиш уйғотган савол йўллаганликлари учун сўровимиз иштирокчилари таҳририятнинг махсус соврини билан тақдирланадилар. Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.



«ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ»



2007 йилда ҳўжалик юритувчи субъектларга солиқ солиш, улар томонидан солиқ имтиёзларини қўллаш, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ва амалга ошириш, ҳисоб-китобларни ўтказиш ва молиявий ҳисоботни топширишни тартибга солувчи қўллаб-қўллаш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу барча ўзгартиришлар эса бухгалтерлар томонидан 2007 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботни тайёрлашда ҳисобга олинди. Бухгалтерларга ёрдам бериш учун «Норма» нашриёти ҳар йили «Йиллик ҳисобот» амалий қўлланмасини нашр этади. Унда корхона активлари ва мажбуриятлари ҳисоби баланс сатрлари бўйича кўриб чиқилган. Яқин кунларда чоп этишга топширилаётган «Йиллик ҳисобот – 2007» янги нашрида ўтаётган йилда юз берган барча ўзгартиришлар ҳисобга олинган. Бугун биз 2007 йилдаги молия-иқтисодий фаолият якунлари бўйича ҳисоботнинг ўз хусусиятларига бағишланган материаллар туркумини чоп этишни бошлаймиз. Мазкур материалда биз юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни тўлаш тартибига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқамиз.

Т/р	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
1	<p>Президентнинг 18.12.2006 й.даги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-532-сон қарори</p> <p>2007 йилги даромад (фойда) солиғи ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланди: - корхоналар учун, қуйида кўрсатилганлар бундан мустасно, - 10% (пластик карточкалар қўлланган ҳолда тўланган, кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича ставка 10% га пасайтирилади); - тижорат банклари учун - 17%; - аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланишга лицензияси бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шунингдек норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар учун - 35%.</p> <p>Даромад (фойда) солиғининг барча тўловчилари учун даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар чегарасида чегирилган харажатлар рўйхати кенгайтирилди, хусусан: - реклама харажатлари; - телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: каналларни ижарага бериш; кўчма, йўлдош ва пейжинг алоқа; радиочастота спектрдан фойдаланиш; маълумотларни узатиш тармоқлари учун ҳақ тўлаш; - шаҳарлар ва халқаро телефон сўзлашувларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар; - солиқ тўловчининг балансидаги солиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, болалар соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фонди объектларини сақлаш харажатлари.</p> <p>Шубҳали қарзлар бўйича резервга ажратмалар бўйича харажатлар Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомининг 1-иловасидан чиқариб ташланди, бироқ 2-иловасига қўшилди. 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар корхоналар томонидан фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.</p> <p>Экспортчи корхоналар учун товарлар, ишлар, хизматлар экспорти улушига қараб ҳамда истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун пасайтирилган ставкалар сақлаб қолинди.</p> <p>2007 йил 1 январдан бошлаб Президентнинг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-325-сон қарорининг 4-иловасида назарда тутилган солиқ имтиёзлари микрокредитлаш бўйича хизматларга татбиқ этилди.</p>
2	<p>Ўзбекистон Республикасининг 29.12.2006 й.даги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-74-сон Қонуни</p> <p>19-модда «Жами даромаддан чегирмалар»га киритилган ўзгартиришларга кўра банклар ва аукционлар, оммавий томоша тадбирларини ўтказишдан даромад олувчи ташкилотлар фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базадан иш ҳақи бўйича харажатларни чиқариб ташлашлари керак (улар 2006 йилда чиқариб ташланмаган).</p> <p>31-модда «Юридик шахсларни даромад (фойда) солиғидан озод қилиш»дан айрим имтиёзлар чиқариб ташланди, хусусан Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналарига, рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан дастлабки етти йил давомида бериладиган имтиёз, янги ташкил этиладиган корхоналарга, шу жумладан шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳудудида ташкил этилган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга (савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланувчи корхоналардан ташқари) бериладиган имтиёз бекор қилинди, кейингилари рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан биринчи йили даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинган, иккинчи йили белгиланган ставканинг 25% миқдоридан ва учинчи йили 50% миқдоридан озод қилинган эди.</p> <p>34-модда «Даромад (фойда) солиғининг тўлов манбаидан ундирилиши»га қўшимча киритилди, унга мувофиқ 2007 йил 1 январдан бошлаб норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бажарган ишларидан, кўрсатилган хизматларидан олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олинадиган даромадларга кирмайди.</p>
3	<p>МВ ва ДСҚнинг «Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» (АВ томонидан 12.02.2007 й.да 1594-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)</p> <p>Қарор билан Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритилди.</p> <p>Даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар татбиқ этиладиган хизматлар рўйхатига микрокредитлаш бўйича хизматлар (микрокредитлар бериш бўйича хизматлар) ҳам киритилди.</p> <p>Микрокредит - қарз олувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тўлаш, муддатини кўрсатиш ва қайтариш шартларида энг кам иш ҳақининг миң баравар миқдоридан ошмайдиган суммада берилган кредит (имтиёзлар Президентнинг 18.12.2006 й.даги ПҚ-532-сон қарори билан 2007 йил 1 январдан бошлаб микрокредит</p>
4	<p>Президентнинг 17.04.2006 й.даги ПҚ-325-сон қарори билан белгиланган имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида» тушунтириш хати (13.02.2007 й.даги МВнинг СБ/04-01-32-14/120-сон, ДСҚнинг 13/1-1349-сон)</p> <p>Хат Президентнинг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон қарорига мувофиқ 2006 йил 1 апрелдан бошлаб қарорда келтирилган рўйхатга кўра хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод қилинганлигини тушунтиради. Бунда нақд пулсиз ҳисоб-китоб (пул ўтказиш) шаклида ҳақ тўлаш шартлари билан тузилган ҳўжалик шартномалари асосида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатувчи корхоналар ҳам имтиёзни қўллаш мумкин. Имтиёзларни қўллаш тартиби Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2006 йил 17 июлда 1594-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) билан белгиланган. Айни вақтда хат юридик шахслар кўрсатаётган хизматларни юқорида айтилган қарорда кўрсатилган хизматларга киритиш учун статистика органларининг ёзма хулосасини олиш ва уни рўйхатдан ўтказиш жойидаги солиқ инспекциясига тақдим этишни тавсия қилади.</p>

Т/р	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
5	<p>Президентнинг 14.03.2007 й.даги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-3860-сон Фармони</p> <p>Президент Фармонининг 1-банди билан корхоналарга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдоридан, тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдалан олинмаган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилди.</p> <p>Кўрсатилган солиқ имтиёзлари янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб навбатдаги солиқ ҳисоботи даври учун қўлланилади.</p> <p>Технологик жиҳозлар харид (импорт) қилинган пайтдан бошлаб уч йил ичида сотиб юборилган ёки текинга берилган бўлса, кўрсатилган солиқ имтиёзлари бекор қилинади ва қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга тегишли солиқлар ва божхона тўловлари тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланади.</p>
6	<p>Тижорат банкларининг акцияларини харид қилиш ва улар бўйича дивидендлар олишда солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом (МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 20.03.2007 й.да 1664-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)</p> <p>Низом Президентнинг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3831-сон Фармони билан берилган имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди. 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:</p> <p>юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;</p> <p>фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.</p> <p>Имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январидан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.</p> <p>Кўрсатилган имтиёзлар қуйидагиларга татбиқ этилмайди:</p> <p>а) 2010 йилнинг 1 январидан кейин тижорат банкларининг акциялари бўйича ҳисобланган дивидендларга;</p> <p>б) имтиёз муддатидан аввалги ва кейинги даврда бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига;</p> <p>в) тижорат банклари акцияларини иккитламчи бозорда харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига.</p>
7	<p>МВ ва ДСҚнинг «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қарори (АВ томонидан 26.03.2007 й.да 1109-7-сон билан рўйхатдан ўтказилган)</p> <p>Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қуйидаги ўзгартиришлар киритилди:</p> <p>- 10-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилди:</p> <p>«Олинган грантлар даромад сифатида қаралмайди. Грант деганда корхонага давлат (ҳукумат), шунингдек ноҳукумат, хорижий, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан ижтимоий аҳамиятдаги мақсадларда, иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш, илмий-техник ва инновация дастурларини бажариш учун бепул, гуманитар пул кўринишидаги ёки моддий-техник ёрдам тушунилади. Грант маблағларидан қатъиян мақсадга мувофиқ фойдаланилади»;</p> <p>- юридик шахслар учун фойда солиғи ставкалари Президентнинг 18.12.2006 й.даги ПҚ-532-сон қарори билан белгиланган ставкаларга мувофиқ ўзгартирилди;</p> <p>- 18-бандда таъкидлангани, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари (тижорат банкларидан ташқари) пластик карталар қўллаб ҳақ тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан даромад (фойда) солиғини амалдаги ставкани 10 фоизга пасайтирган ҳолда тўлайдилар (мазкур имтиёз Президентнинг 3.08.2006 й.даги ПҚ-433-сон қарори билан жорий қилинган эди);</p> <p>- 19-банднинг биринчи хатбошига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ экспортчи корхоналар имтиёзларини ишларнинг бажарилган, хизматларнинг кўрсатилган жойидан қатъиян назар қўллашлари мумкин (Президентнинг 18.12.2006 й.даги ПҚ-532-сон қарорига мувофиқ);</p> <p>- 20-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинди:</p> <p>«Ўзбекистон Республикасидаги тўлов манбаидан солиқ солинадиган дивиденд ва фойзалар олган юридик шахс - резидент уларни жами даромаддан чегирани ҳуқуқига эгадир» (тўлов манбаидан солиқ ушлаб қолинганини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг мавжудлиги шартли чиқариб ташланди) (таъкидлаш лозимки, Солиқ кодексига тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги ҳақидаги талаб ўзарасиз қолди);</p> <p>- 22-банд Инвестиция дастури лойиҳаларига капитал маблағлар сарфлайдиган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун, шунингдек янги ташкил этиладиган корхоналарга фаолиятнинг биринчи йилларида бериладиган имтиёзлар чиқариб ташланди (мазкур имтиёз 29.12.2006 й.даги ЎРҚ-74-сон Қонун билан бекор қилинган эди);</p> <p>- 22-банд «б» кичик банднинг еттинчи хатбошига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ солиқ солинадиган фойда кредит ташкилотлари кредитлари суммасига - кредитларини ҳақиқатда сўндириш суммаси доирасида камайтирилади, бундан кредитларга хизмат кўрсатиш харажатлари мустасно.</p>
8	<p>МВ, МВ, ТИАНСВ, ДБҚнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» қарори (АВ томонидан 31.03.2007 й.да 1669-сон билан рўйхатдан ўтказилган)</p>

СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Т/р	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
	Қарор билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхати тасдиқланди. Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам, башарти улар контракт (шартнома)га мувофиқ технологик жиҳозлар тўпламида етказиб берилса, татбиқ этилади.
9	Президентнинг 10.04.2007 й.даги "Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-618-сон қарори Қарорнинг 6-бандига мувофиқ юридик шахс томонидан мол-мулкни сугурталаш шартномаси бўйича, шунингдек ўз ходимларининг ҳаётини узоқ муддатли сугурталаш шартномаси бўйича тўланган сугурта мукофоти суммаси жами даромаддан чегирилади.
10	Президентнинг 18.05.2007 й.даги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-3878-сон Фармони Корхоналарга даромад (фойда) солиғи ёки ягона солиқ тўловини ҳисоблашда солиқ солинадиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадалларини тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига тенг ҳажмда, аммо солиқ солинадиган базанинг 10 фоиздан ошмаган миқдорда, камайтириш ҳуқуқи берилди. Мазкур имтиёзни қўллаш мақсадида ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар кирази.
11	Президентнинг 21.05.2007 й.даги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни яқинлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-640-сон қарори Қарор билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун Президентнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 - 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни яқинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-325-сон қарори билан белгиланган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати 2010 йилнинг 31 декабргача узайтирилди. Президентнинг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон қарорининг 7-бандида назарда тутилган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилиш кўринишидаги солиқ имтиёзлари санаторийлар, ахборот-ресурс марказлари, болалар соғломлаштириш муассасалари, ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари хизматларига татбиқ этилди.
12	Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи ҳўсалик юритувчи субъектлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ, ИВ, ДСҚ ва ДБҚнинг АВ томонидан 11.06.2007 й.да 1688-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) Низом Президентнинг 14.03.2007 й.даги ПФ-3860-сон Фармони билан тақдим этилган имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди: янги технологик жиҳозни сотиб олувчи, ўз ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширувчи корхоналар даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларга эга (жадвалнинг 5, 8-бандларига қаранг). Божхона тўловлари (ҚҚС ва импорт божлари) бўйича имтиёзлар тасдиқланган Рўйхатга (ИВ, МВ, ТИАИСВ ва ДБҚнинг АВ томонидан 31.03.2007 й.да 1669-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига иловага) мувофиқ технологик жиҳозларга нисбатан қўлланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган Низом Президентнинг 2000 йил 28 апрелдаги "Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга беvosита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-2598-сон Фармони билан берилган божхона тўловларини тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзларга, шунингдек вақтинчалик (уларнинг амал қилиш муддати тугагунча) тусга эга бўлган Президент ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг алоҳида қарорлари билан берилган имтиёзларга нисбатан қўлланмайди.
13	Мол-мулкни сугурталаш ва ҳаётни узоқ муддатли сугурталашга оид сугурта мукофотлари юзасидан юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ва исисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низом (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 25.06.2007 й.да 1693-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) Низомнинг II бўлимида мол-мулкни сугурталаш ва ҳаётни узоқ муддатли сугурталаш бўйича сугурта мукофотлари юзасидан юридик шахсларнинг даромадлари (фойдаси)га солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар бериш тартиби белгиланган. Корхона томонидан мол-мулкни сугурталаш шартномаси бўйича тўланган сугурта мукофоти суммаси, шунингдек ўз ходимларининг ҳаётини узоқ муддатли сугурталаш шартномаси бўйича тўланган сугурта мукофотлари суммаси фойда солиғини ҳисоблашда жами даромаддан чегирилади. Корхона томонидан (ходимлар тоифасига кирмайдиган) бошқа шахсларнинг ҳаётини узоқ муддатли сугурталаш шартномаси бўйича тўланган сугурта мукофотлари суммаси фойда солиғини ҳисоблашда жами даромаддан чегирилмайди.
14	Президентнинг 12.07.2007 й.даги "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодийнинг модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокчини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-670-сон қарори Қарор билан тижорат банклари: ўз филиалларига товар-моддий бойликлар, даромадлар ва бошқа ресурсларни берганда - қўшилган қиймат солиғи ва даромад (фойда) солиғидан; инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий молия институтларининг жалб қилинган кредит линиялари бўйича тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган фоизлар ва бошқа тўловлар бўйича - тўлов манбаидан олиннадиган солиқлардан озод қилинди.
15	"Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қўну ҳўсжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида" 12.07.2007 й.даги ЎРҚ-101-сон Қўну Солиқ кодексининг 31-моддасига қўшимча киритилди, унга кўра корхоналар телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини текинга топшириш ва (ёки) олишдан, шунингдек мазкур воситалардан фойдаланишга ҳамда уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлардан олинган даромадлар (фойда) бўйича даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинди (мазкур имтиёз Президентнинг 21.11.2006 й.даги ПҚ-513-сон қарори билан жорий этилган эди).

Т/р	Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
16	МВ ва ДСҚнинг "Юридик шахсларнинг даромад (фойдаси)га солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" қарори (АВ томонидан 18.07.2007 й.да 1109-8-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Қарор билан Йўриқномага қуйидаги ўзгаришлар киритилди: 21-банднинг "л" кичик бандига - қуйидаги кўринишда олинган даромадлар даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинади: дивидендлар ва ундан олинган юридик шахсларнинг устав капитали (фонди)га йўналтирилмаган (имтиёз 25.04.2003 й.даги 482-II-сон Қўну билан жорий қилинган); қўшимча акциялар қиймати ёки ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилганда акциялар номинал қийматини ошириш (имтиёз Президентнинг 27.09.2006 й.даги ПҚ-475-сон қарори билан жорий қилинган); 22-банд тўлдирилди: "ж" ёш оилалар сирасига кирувчи ўз ходимларига ипотека кредитлари бўйича бадаллар киритиш ва (ёки) уй-жойни мулк сифатида харид қилишга бегараз йўналтирилмаган маблағлар, бироқ солиқ солинадиган даромад (фойда)нинг 10 фоиздан ортиқ эмас (имтиёз Президентнинг 18.05.2007 й.даги ПФ-3878-сон Фармони билан жорий этилди). Солиқ солинадиган даромад (фойда)ни камайтириш учун қуйидагилар асос бўлади: тижорат банки ёки бошқа кредит ташкилоти билан ёш оилалар сирасига кирувчи ходим ўртасида тузилган, шахсий уй-жой ёки кўп квартиралар турар жойдаги квартирани куриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишга ипотека кредити олишга доир шартнома нуҳаси; юридик шахс раҳбари - иш берувчининг ёш оилалар сирасига кирувчи ўз ходимларига ипотека кредитлари ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олиш бўйича бадалларни бегараз киритиш ҳақидаги буйруғи".
17	Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 9.08.2007 й.да 1701-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) Низомда кредит ташкилотларининг даромадлари ва харажатлари ҳамда улар томонидан даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби белгиланган.
18	Вазирлар Маҳкамасининг 15.08.2007 й.даги "Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бегараз тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 174-сон қарори Қарор билан Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бегараз тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Тижорат банклари 2012 йил 1 январгача бўлган даврда даромад (фойда) солиғи бўйича солиқ солинадиган базани тасдиқланган мақсадли дастурларга мувофиқ иқтисодийнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун уч йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлардан олинган даромадлар суммасига тенг миқдорда камайтирадилар.
19	МВ ва ДСҚнинг "Айрим хизматларни кўрсатаётган юридик шахслар учун даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" қарори (АВ томонидан 28.08.2007 й.да 1594-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Қарор билан қуйидаги ўзгаришлар киритилди: Низомнинг 2-бандидаги "сугурталаш бўйича хизматлар" "сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг хизматлари"га алмаштирилди. Хизматларнинг қуйидаги турлари қўшилди (уларга имтиёзлар Президентнинг 21.05.2007 й.даги ПҚ-640-сон қарори билан татбиқ этилган эди): санаторийларнинг хизматлари; ахборот-ресурс марказларининг хизматлари; ахборот-кутубхона марказларининг хизматлари; болалар соғломлаштириш муассасаларининг хизматлари". Низом 16-1, 16-2, 16-3-бандлар билан тўлдирилди, уларда юқорида кўрсатилган хизматлар турларининг таърифлари берилди.
20	Президентнинг 19.09.2007 й.даги "Солиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида" ПФ-3923-сон Фармони Фармонга мувофиқ 2007 йилнинг 1 октябрдан бошлаб аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари бўшайдиган маблағларни тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтириш шarti билан 5 йил муддатга юридик шахсларнинг даромад (фойдаси)га солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.
21	"Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва "Бож тарифи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қўнуининг 33-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" 19.09.2007 й.даги ЎРҚ-112-сон Қўну Қўну билан Солиқ кодексига қуйидаги ўзгаришлар киритилди: 19 ва 32-моддаларга Президентнинг ПФ-3860-сон Фармони (5-бандга қаранг) ва Президентнинг 10.04.2007 й.даги ПҚ-618-сон қарори (9-бандга қаранг) билан тақдим этилган имтиёзлар киритилди; СКнинг 32-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошиси (солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) камайтирилиши) янги тахрирда берилди: "асосий ишлаб чиқаришни янги курилиш шаклида кенгайтиришга, ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган бинолар ва иншоотларни реконструкция қилишга, шунингдек ушбу мақсадлар учун олинган кредитларни узишга йўналтирилмаган маблағлар суммасига, ҳисобот даврида амортизацияга ҳисобланган суммалардан тўлиқ фойдаланиш шarti билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) ўттиз фоиздан кўп бўлмаган миқдорда" ("инвестицияларга (асосий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида, коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари курилишига), шунингдек инвестициялар учун олинган кредитларни узишга йўналтирилмаган харажатлар суммасига, ҳисобланган эскиришдан тўлиқ фойдаланиш шarti билан, бироқ солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) ўттиз фоиздан кўп бўлмаган миқдорда" эди).
22	Президентнинг 29.10.2007 й.даги "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-3932-сон Фармони Фармонга мувофиқ қуйидагилар: Сугуриладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси; ташкил этиладиган иқтисослаштирилган лизинг компанияси беш йил муддатга - бўшайдиган маблағларни мелiorация техникаси етказиб берилишини молиялаштириш манбаларини тўлдирishга мақсадли йўналтирилган ҳолда юридик шахсларнинг даромад (фойдаси)га солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинди.



Корхона ва ташкилотлар молия-ҳўжалик операцияларининг ҳисоби ва уларга солиқ солишдаги барча ўзгаришлар ҳақида босишга тайёрланган "Йиллик ҳисобот - 2007" қўлланмасида батафсил баён этилади. Бу қўлланма Ўзбекистонда тўртинчи марта йиллик ҳисоботга махsus тайёрланган. Ундаги корхона активлари, маблағлар манбалари ва мажбуриятларининг ҳисоби бўйича берилган тушунтиришлар баланс сатрларига мувофиқ баён қилинган.

«Йиллик ҳисобот - 2007» китобига «Норма» нашриётига (Тошкент ш., Навоий кўч., 22) буюртма бериш мумкин. Қўшимча маълумотлар қуйидаги телефонлар бўйича: 142-18-80, 144-44-29.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-белда **КОРЕЯДА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН**
Президентнинг 2007 йил 23 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Корея Республикасидаги меҳнат фаолияти даврида тўланган пенсия ажратмаларини олишда уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-738-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг Корея Республикасида ишлаган даврида тўланган пенсия ажратмаларини қайтариш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Корея Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фуқароларнинг пенсия ажратмалари фуқароларнинг банкдаги шахсий ҳисобварақларига қайтарилади. Корея Республикаси Миллий пенсия хизмати томонидан мазкур мамлакатда ишлаган ва қайтариладиган пенсия ажратмаларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тузилади. Мазкур рўйхат Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига юборилади, у эса ўз навбатида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига мазкур рўйхатни олган пайтдан бошлаб икки ҳафта муддатда фуқароларга пенсия ажратмаларини олиш тартибини тушунтирган ҳолда уларга шахсий ёзма билдириш-номалар юборишни топширади.

Корея Миллий пенсия хизмати рўйхатларига киритилган фуқароларнинг шахсий аризалари асосида ушбу фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича Халқ банкининг туман, шаҳар филиаллари белгиланган тартибда фуқароларга депозит валюта ҳисобварақлари очади. Бунда фуқароларга ушбу ҳисобварақларга олдиндан пул маблағлари қўйиш, шунингдек улар очилгани учун ҳақ тўлаш талаб қилинмайди. Фуқаролар депозит валюта ҳисобварақига тушган пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз хоҳишларига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқароларнинг Корея Республикасида ишлаган даври Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқни берадиган стажга қўшилади.

АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ЙЎЛИДА

Президентнинг 2007 йил 5 декабрдаги ПҚ-741-сон қарори билан 2008-2009 йилларда Автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тасдиқланди. Унинг асосий вазифаларидан бири этиб юқори унумли илғор технологиялар ва ускуналарни жорий этиш йўли билан автомобилларнинг халқаро талабларга жавоб берадиган янги замонавий моделларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш белгиланди.

Дастур шунингдек «Ўзавтосаноат» АК корхоналари томонидан автомобиль маҳсулотларини экспорт қилишнинг мақсадли параметрлари ва автомобиль саноати корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва янги маҳсулот турларини ўзлаштириш бўйича лойиҳалар рўйхатини ҳам ўз ичига олади.

ЕТИМ БОЛАЛАР ТАЪМИНОТИ

Вазирлар Маҳкамаси 2007 йил 29 ноябрдаги 246-сон қарори билан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқиётган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни моддий таъминлаш нормаларини тасдиқлади. Етим болаларга уларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида пул маблағлари тўлови белгиланди.

Тасдиқланган таъминот нормалари, шунингдек олий таълим муассасаларида ўқиётган ҳамда тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларга ҳам татбиқ этилади.

УЧДАН БИР ҚИСМИ ЧЕТ ЭЛЛИККА ТЕГИШЛИ БЎЛСА...

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 6 декабрдаги «Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасида олиб қилинадиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида» 249-сон қарори («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетига чоп этилмоқда) билан инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ЎзРга олиб қилинадиган мол-мулк божхона божи солишдан озод этилиши бўйича имтиёзлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга ҳам жорий этилганлиги назарда тутилган.

Улар 2008 йил 1 январдан бошлаб устав сармоясида хорижий инвесторнинг улуши камида 33 фоиз бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амал қилади.

ИХТИЁРИЙ ИЖРО АФЗАЛ

Адлия вазирининг буйруғи («Норма маслаҳатчи»нинг шу сонидаги ҳужжатлар пакетига чоп этилмоқда) билан Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочи-

лари қарорларининг ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 24 ноябрда 1741-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ҳужжат ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни чиқариш, ижро этиш ва ҳисобини юритиш, шунингдек уларнинг ундирилиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаришда қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариши учун 5 кундан ортиқ бўлмаган муддат белгилайди. Қарорда ижро ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда, қарздордан ундирилаётган сумманинг ёки мол-мулк қийматининг 1 фоизи (жисмоний шахсдан) ёхуд 2 фоизи (юридик шахсдан) миқдорида ижро йиғими ундирилиши, агар мулккий характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари ижро этилмаган тақдирда эса, жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари, юридик шахсдан эса 10 баравари миқдорида ижро йиғими ундирилиши тўғрисида тушунтирилиши шарт. Ихтиёрий равишда ижро этиш учун муддат белгиланганда, ушбу муддатнинг ўтиши ижро иши юритуви қўзғатилган кундан кейинги кундан бошланишини назарда тутиш лозим.

Ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда қарздор томонидан ижро ҳужжатида белгиланган талаблар бажарилмаслиги, қарздорга нисбатан мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади. Ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугагандан кейинги кундан кечиктирмасдан суд ижрочиси томонидан чиқарилади.

2007 йил 4 декабрдан кучга кирди.

ЭКСПОРТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДА ЎЗГАРТИШЛАР

Марказий банк бошқаруви ва Давлат божхона қўмитасининг қўшма қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 2 ноябрда 1137-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ҳисоб-китоблар маълумотномасини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришлар киритилди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Уларга мувофиқ экспорт қилинадиган товарларнинг божхонада расмийлаштирилишига фақат тўлдирилган ҳисоб-китоблар маълумотномаси мавжуд бўлган ҳолдагина йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган омборлардан FOB, EX Warehouse шартларида марказлаштирилган ҳолда юклар жўнатишлар, миллий валюта – сўмда тўлов амалга ошириш шартли билан биржа ва ярмарка савдоларида тузилган контрактлар бўйича ҳамда чет эл валютасида тўлов амалга ошириш шартли билан Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасида тузилган экспорт шартномалари бўйича юклар жўнатишлар бундан мустасно.

2007 йил 6 декабрдан кучга кирди.

БАРЧА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЧУН БИР ХИЛ МУДДАТ

Марказий банк бошқарувининг қарорига асосан Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришлар киритилди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 ноябрда 1648-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди). Уларга мувофиқ энди барча фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги машиналарини лизингга бериш борасидаги лизинг шартномалари 10 йилгача бўлган муддатга тузилади (аввал мазкур қоида фақат Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги фермер хўжаликларида татбиқ этилган).

2008 йил 1 январдан кучга қиради.

АЛОҚА ЯХШИ БЎЛИШИ УЧУН

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамасининг ҳукумат алоқаси хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг қарори билан Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришнинг умумий қоидалари тасдиқланди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 27 ноябрда 1742-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Қоидаларга мувофиқ, фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва ресурсларини марказлашган ҳолда бошқаришни қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги махсус истеъмолчилар билан ҳамкорликда амалга оширади. Бошқаришда шунингдек телекоммуникациялар операторларининг телекоммуникация тармоқлари (алоқаси)ни бошқариш марказлари, тасарруфида идоравий телекоммуникациялар тармоқлари

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2007 йил 23 ноябрдан 8 декабргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 48-49-сонини асосида тайёрланди. Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pogta.uz сайтидаги эркин қилинадиган «Қонунчиликда-ги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

бўлган давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳам иш-тирок этади.

Марказлашган ҳолда бошқаришнинг асосий вазифаси фавқулодда ҳолатларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, махсус истеъмолчиларни алоқа билан таъминлаш ҳисобланади.

2007 йил 7 декабрдан кучга кирди.

АУДИТОРЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ ШАКЛИ

Молия вазирининг буйруғи билан (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 ноябрда 1744-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот шакли ва уни тўлдириш бўйича қоидалар тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Аудиторлик ташкилотлари томонидан мазкур шаклни тақдим этиш аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларидан бири ҳисобланади. Улар 1 июль ва 31 декабрь ҳолатларига кўра белгиланган санадан кейин 20 кундан кечикмаган муддатда Молия вазирлигига тақдим этилади.

2007 йил 9 декабрдан кучга кирди.

ЎҚИШ, ЎҚИШ ВА ЯНА ЎҚИШ

Давлат мулки қўмитаси музуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи билан (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда 1745-сон билан рўйхатдан ўтказилди) Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Мутахассисларни қайта тайёрлаш камида уч йилда бир марта олий таълим муассасаларида ва ўқув марказларида амалга оширилиши лозим. У қуйидагилар учун мажбур:

а) қимматли қоғозлар бозорининг I тоифали мутахассиси малака гувоҳномасига эга бўлган ва инвестиция институтларининг раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган шахслар;

б) қимматли қоғозлар бозорининг II тоифали мутахассиси малака гувоҳномасига эга бўлган ва инвестиция институтида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг ички ҳисобини юритувчи шахслар;

в) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қарорига мувофиқ, қайта тайёргарликдан ўтиши зарурлиги кўрсатилган шахслар.

Малака ошириш (қайта тайёрлашдан фарқли равишда) ихтиёрийлик асосида, иқтисодий йўналишдаги таълим муассасасида малака ошириш курсларида таҳсил олиш йўли билан қуйидаги шаклларда амалга оширилади: таълим дастурлари бўйича таҳсил олиш, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда ёки илмий-текшириш муассасасида иш ўрганиш.

Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ўқув дастурлари қуйидаги назорат чора-тадбирларини назарда тутиши лозим, хусусан: тингловчиларни тест синовларидан ўтказиш, иш (реферат)ларни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш ва имтиҳон топшириш. Мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб таълим муассасаси томонидан берилган белгиланган намунадаги сертификат ҳисобланади.

2007 йил 15 декабрдан кучга кирди.

БЮДЖЕТДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ОЛИНАДИ

Молия вазирининг буйруғи билан (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда 1746-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида юритиш қоидалари тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Қоидалар Молия вазирлиги Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш, ёпиш ва уларнинг бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича операцияларни акс эттириш билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2007 йил 15 декабрдан кучга қиради.

Молия вазирининг буйруғи билан молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Ҳазначилик ижроси бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳисобварақлар режасини тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 7 апрелдаги 37-сон буйруғига ўзгартиш киритилди (Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 декабрда 1570-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ўзгартишларга кўра, юқорида кўрсатилган буйруқ 2008 йилдан эмас, балки 2010 йилдан бошлаб кучга қиради.

2007 йил 15 декабрда кучга қиради.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

– ЎзР адлия вазирининг «Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;
– ЎзР МБ бошқарувининг «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР ТОМОНИДАН ЎЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ОЛИБ КИРИЛАДИГАН МОЛ-МУЛККА НИСБАТАН БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 48-49-сон, 486-модда)

Ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-га замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек хом ашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

«Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддаси биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошига ва «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ хорижий инвесторлар томонидан Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмаслиги;

хорижий инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга ошириши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк божхона божи солишдан озод этилиши бўйича имтиёзлар

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга ҳам жорий этилганлиги назарда тутилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, хорижий инвесторлар томонидан ўз эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкни божхона божи солишдан озод этиш бўйича имтиёзлар 2008 йил 1 январдан бошлаб устав сармоясига хорижий инвесторнинг улуши камида 33 фоиз бўлган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан амал қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2007 йил 6 декабрь
249-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ИЖРО ЙИҒИМИНИ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ СУД ИЖРОЧИЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА УЛАРНИНГ УНДИРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
24 ноябрда 1741-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 48-49-сон, 488-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқ-

*2007 йил 4 декабрдан кучга киради.

ланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомнинг 11-бандига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1

НОУТБУКИ, КОМПЬЮТЕРЫ
ОРГТЕХНИКА

T&T

171-00-57, 142-65-50

www.texnika.uz

info@texnika.uz

ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида Низомнинг 7-банди ижросини таъминлаш мақсадида,
бюраман:

1. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, суд ижрочилари ижросига келиб тушган ижро ҳужжатлари бўйича ижро йиғими 2007 йилнинг 1 декабридан бошлаб ундирилади.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С.Саттаров) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

* 3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот

бошқармаси (А.Инанбабаев) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

5. Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти 10 кун муддат ичида ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари З.Худойқулов зиммасига юклатилсин.

**Адлия вазирининг биринчи ўринбосари
А.АХМЕДОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 24 ноябрь
226-мҲ-сон.

Адлия вазирининг
2007 йил 24 ноябрдаги 226-мҲ-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

ИЖРО ЙИҒИМИНИ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ СУД ИЖРОЧИЛАРИ ҚАРОРЛАРИНИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА УЛАРНИНГ УНДИРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарорига мувофиқ, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни чиқариш, ижро этиш ва ҳисобини юритиш, шунингдек уларнинг ундирилиши устидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Йўриқномада мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздор томонидан ундирувчига, давлат фойдасига ёхуд бошқа шахсга муайян пул маблағларини тўлашни назарда тутувчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

Мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари дейилганда қарздорга муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки уларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатлари тушунилади.

2. Ижро йиғими суд ижрочиси томонидан суд ҳужжатлари ёки бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда амалга ошириладиган ундирувни назарда тутди.

3. Ижро йиғими қарздордан ижро ҳужжатиини ихтиёрий равишда ижро этиш муддати ўтгандан сўнг, қуйидаги миқдорларда ундирилади:

мулкӣ характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 фоизи, юридик шахсдан 2 фоизи миқдориди;

мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдориди, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдориди.

4. Ижро йиғимини ундириш учун суд ижрочиси томонидан чиқарилган қарор асос бўлади ва у Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг (кейинги ўринларда матнда Қонун деб юритилади) 7-моддасига мувофиқ ижро ҳужжати ҳисобланади.

Ижро йиғимини ундириш Қонуннинг 82-моддасига мувофиқ қарздорга солинадиган жаримани тўлашдан озод этмайди.

5. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни мажбурий равишда ижро этиш умумий белгиланган тартиб-

да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори билан тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом ва мазкур Йўриқномада белгиланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

II. ИЖРО ЙИҒИМИНИ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ЧИҚАРИШ ВА ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ

6. Суд ижрочиси ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқаришда қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун 5 кундан ортиқ бўлмаган муддат белгилаб, агар ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро ҳужжатидаги талаблар бажарилмаган тақдирда, қарздордан ундирилаётган сумманинг ёки мол-мулк қийматининг 1 фоизи (жисмоний шахсдан) ёхуд 2 фоизи (юридик шахсдан) миқдориди, агар мулкӣ характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари ижро этилмаган тақдирда эса, жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдориди ижро йиғими ундирилиши тўғрисида қарздорга мажбурий равишда тушунтириши шарт.

Ихтиёрий равишда ижро этиш учун муддат белгиланганда, ушбу муддатнинг ўтиши ижро иши юритуви кўзғатилган кундан кейинги кундан бошланишини назарда тутиш лозим.

Суд ижрочиси ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий равишда ижро этиш учун муддат белгиланганда ижро ҳужжати талаблари моҳиятини ҳисобга олиши ва қонунда назарда тутилган доирада етарли муддат белгиланган лозим.

7. Суд ижрочиси томонидан ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда ижро ҳужжатида белгиланган талаблар қарздор томонидан бажарилмаслиги, қарздорга нисбатан мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Айни пайтда суд ижрочиси қарздордан ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор чиқаради.

Мазкур Йўриқноманинг 13-банди олтинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор чиқарилмайди.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор, қарздор-

нинг харажатлар сметасини рўйхатга олган молия органининг тегишлича расмийлаштирилган ва қарздорни бюджет ташкилоти деб топилишини тасдиқловчи хати қарздор — юридик шахс томонидан қарор чиқарилгунига қадар суд ижрочисига тақдим этилган тақдирда ҳам чиқарилмайди.

8. Ижро йиғимини ундириш тўғрисида қарор ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугагандан кейинги кундан кечиктирмасдан суд ижрочиси томонидан мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда чиқарилади.

9. Суд ижрочисининг ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарори катта суд ижрочиси томонидан тасдиқланиши лозим. Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармасининг суд ижрочиси мақомига эга инспекторлари томонидан чиқарилган қарорлар, тегишлича Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ёки ҳудудий бошқармаларнинг Суд қарорларини ижро этиш бўлими бошлиғи томонидан тасдиқланади.

10. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси уни чиқарган куннинг эртасидан кечиктирмасдан қарздорга шахсан тақдим этилади ёки топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат билан почта алоқаси орқали юборилади.

11. Ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви алоҳида ижро иш юритуви қўзғатилмасдан амалга оширилади.

Ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви ижро йиғими қўллашга асос бўлган ижро ҳужжати (кейинги ўринларда матнда асосий ижро ҳужжати деб юритилади) билан биргаликда юритилади. Бунда ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорга асосий ижро ҳужжатининг рўйхат рақами берилади.

12. Ижро ҳужжатлари бўйича мажбурий ижро этиш чораларини амалга оширишда ундирув мол-мулк ва пул маблағларига асосий ижро ҳужжати бўйича қарзни, ижро йиғими ва ижро харажатларини қоплаш учун етарли бўлган миқдор ва ҳажмда қаратилади.

Ижро йиғими Қонуннинг 52 ва 69-моддаларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган пул суммалари ва мол-мулкдан ундирилмайди.

13. Ижро йиғими:

мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича — қарздордан ундирилган пул суммасига мутаносиб равишда;

мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича — мажбурий ижро этиш бўйича чоралар қўллашга киришилиши билан ундирилади.

Ижро йиғими куйидаги ундирувларни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ундирилмайди:

бюджет ташкилотларидан, шу жумладан давлатдан пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ундириш. Бунда, ташкилотнинг бюджет ташкилоти деб топилишини тасдиқловчи ҳужжат қарздор томонидан суд ижрочисига тақдим қилинадиган мазкур ташкилотнинг харажатлар сметасини рўйхатга олган тегишли молия органининг хати ҳисобланади.

Даврий тўловларни (алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлиги, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ва бошқа ишлар бўйича) ундириш.

14. Солидар тартибда бир неча қарздордан ундирувни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳар бир қарздорга нисбатан чиқарилади. Ушбу ҳолатларда қарорларни расмийлаштириш, ижро йиғимини ундириш ва ундирилган суммалар ҳисобини юритиш солидар қарздорлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тартибида амалга оширилади. Бунда, барча қарздорлардан ундирилган ижро йиғимининг умумий суммаси асосий ижро ҳужжати бўйича жами ундирув суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган йиғим суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

15. Бир қарздорга нисбатан бир неча ижро ҳужжатини ижро этишда, ижро йиғими ҳар бир ижро ҳужжати бўйича алоҳида ундирилади.

Бир нечта талаблар (ижро ҳужжатлари) бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари Қонуннинг 80-моддасида белгиланган тартибда тегишли талабнинг қаноатлантириш навбатига кўра ундирилади. Бунда, мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ундириладиган ижро йиғимлари, шунингдек мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича қонунда белгиланган муддатда реализация қилинмаган мол-мулкни ундирувчига топшириш ҳолатлари биринчи навбатда қаноатлантириладиган талабларга тенглаштирилади. Мазкур хатбоши билан белгиланган қоидалар қарздорнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатларини белгилаш вақтида ҳам татбиқ этилади.

Мазкур қоида қўллаш мисоллари ушбу Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган.

16. Ижро иши юритуви қарздорнинг сотилмаган мол-мулкни ундирувчига берилиши муносабати билан тамомланган тақдирда, ижро йиғими берилган мол-мулк қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли миқдорларда ундирилади. Бунда, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорнинг ижроси умумий белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ижро иши юритуви қарздорни сотилмаган мол-мулкни қабул қилишни ундирувчи рад этиши муносабати билан тамомланган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг сотилмаган мол-мулкка тўғри келадиган қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижрочисининг тегишли қарори билан тугатилади.

17. Асосий ижро ҳужжати Қонуннинг 62-моддасига мувофиқ, тугатиш комиссияси (тугатувчи)га юборилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади. Ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

18. Қарздор ижро иши юритуvidан тараф сифатида чиқиб кетган тақдирда (қарздор шахснинг вафот этиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талаблардан воз кечилиши, қарзни бошқа шахсга ўтказилиши ва шу кабилар) суд ижрочиси Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, ўзининг қарори билан қарздорни унинг ҳуқуқий вориси билан қонунда белгиланган тартибда алмаштириши шарт. Мазкур қарорда йиғимни тўлаш мажбурияти ушбу ҳуқуқий ворисга ўтиши ҳақида ҳам кўрсатилади.

19. Асосий ижро ҳужжати Суд департаментининг бошқа бўлинмасига юборилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор ҳам Қонуннинг 25-моддасида белгиланган тартибда юборилиши лозим.

20. Асосий ижро ҳужжати бўйича ижро иши юритуви Қонуннинг 37-моддаси 1-5 ва 7-бандларига асосан тугатилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

21. Асосий ижро ҳужжати Қонуннинг 40-моддаси 1, 3 — 6-бандларига асосан ундирувчига қайтарилган тақдирда, ижро йиғими суд ижрочиси томонидан мазкур ижро ҳужжати бўйича ундирилган суммага (мол-мулк қийматига) мутаносиб равишда ундирилади, ижро йиғимининг қолган қисми бўйича иш юритуви суд ижрочисининг тегишли қарори билан тамомланади.

22. Ундирув қарздорнинг иш ҳақи ёки унга тенглаштирилган тўловларига қаратилган тақдирда, суд ижрочиси Қонуннинг 64-моддасида белгиланган тартибда асосий

ижро ҳужжати билан бирга ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорни ҳам тегишли ташкилотга юборади.

23. Асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа орган томонидан тўхтатиб турилган тақдирда, ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритуви ҳам асосий ижро ҳужжати бўйича иш юритуви тиклангунга қадар тўхтатиб турилади. Ушбу ҳолатда ижро йиғимини ундириш бўйича иш юритувини тўхтатиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилиш талаб қилинмайди.

Суд ижрочиси томонидан асосий ижро ҳужжати бўйича ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, мазкур қарорда ижро йиғимини ундириш бўйича ижро ҳаракатларини ҳам кейинга қолдириш ҳақида кўрсатиб ўтилади.

III. ИЖРО ЙИҒИМИНИ ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

24. Ижро йиғимини қайтариш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

қарздорнинг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатининг ёхуд қонун бўйича ижро ҳужжати ҳисобланадиган бошқа ҳужжатнинг бекор қилиниши;

қарздор ёки ундирувчининг аризасига асосан, асос сифатида ижро ҳужжати берилган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатларининг ўзгартирилиши, агар ўзгартириш натижасида тўланган ижро йиғими миқдорини қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлса;

қарздор ёки ижро йиғими ундирилган бошқа шахснинг аризасига ёхуд суд ижрочисининг ташаббусига асосан, ижро йиғими миқдорини нотўғри ёки ортикча ўтказилганлиги;

суд қарорига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Ижро йиғимини қайтариш ҳақидаги ариза ушбу бандда кўрсатилган ҳолатлар юзага келган кундан бошлаб уч йилдан кечиктирмасдан берилади.

25. Ундирилган ижро йиғими миқдорини қайтариш учун ижро йиғимини тўлаган шахс мажбурий ижро ҳаракати ким томонидан амалга оширилганидан келиб чиқиб, Суд департаментининг марказий аппаратига ёки тегишли ҳудудий бошқармага ариза билан мурожаат қилади. Бунда, ижро йиғимини ундириш бўйича ижро ҳаракатлари турли ҳудудларда амалга оширилган бўлса, ариза аризачининг хоҳишига кўра ижро йиғимини ундирган Суд департаментининг исталган бўлимига тақдим этилиши мумкин.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси — ижро йиғими мазкур Йўриқнома 24-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда;

ижро йиғими миқдори нотўғри ёки ортикча ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоб-китоб ҳужжати ёки бошқа ҳужжат — ижро йиғими мазкур Йўриқнома 24-бандининг тўртинчи хатбошида назарда тутилган асос бўйича қайтарилганда;

суднинг қонуний кучга кирган қарорининг тасдиқлан-

ган нусхаси — ижро йиғими мазкур Йўриқноманинг 24-банди бешинчи хатбошида назарда тутилган асослар бўйича қайтарилганда.

26. Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги ариза Суд департаментининг тегишли ҳудудий бошқармаси ёки марказий аппарати томонидан кўриб чиқилади ва ариза берилган кундан эътиборан беш кунлик муддат ичида ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қабул қилинган қарор ҳақида ариза берувчини ёзма равишда хабардор қилади.

Ижро йиғимини қайтариш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан бошлаб узоғи билан икки кун ичида қайтариш учун Суд ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг Ижро этувчи дирекциясига юборилади. Ижро йиғимини қайтариш Ижро этувчи дирекция томонидан қарор олинган кундан бошлаб беш банк куни давомида амалга оширилади.

27. Ижро йиғимини қайтариш ёки қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор устидан белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш мумкин.

IV. ИЖРО ЙИҒИМИНИ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

28. Суд департаментида, ҳудудий бошқармаларда ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимларида мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобга олиш китоби юритилади.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарорларни ҳисобга олиш китоби рақамланиб, тикилади ва тегишлича Суд департаменти ёки унинг ҳудудий бошқармасининг асосий муҳри билан тасдиқланади.

29. Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги қарор чиқарилган кунда рўйхатга олинади ва тегишли асосий ижро ҳужжатининг мажбурий ижросини амалга ошираётган суд ижрочисига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

30. Ижро йиғими суммалари тегишли банк муассасасида очилган махсус транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Суд департаменти, ҳудудий бошқармалар ва суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари ҳар ойда тегишли банк муассасалари билан ижро йиғими суммаларининг тушумини белгиланган шаклда солиштириб борадилар.

31. Суд департаментининг ҳудудий бошқармалари ҳар чоракда камида бир марта суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан мазкур Йўриқнома талабларига риоя қилинишини, шу жумладан ижро йиғими суммаларининг тўғри ва ўз вақтида ундирилиши ва ўтказилишини текшириб борадилар.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

32. Мазкур Йўриқноманинг бажарилишини назорат қилиш Суд департаменти томонидан амалга оширилади.

Ижро йиғимининг ҳисобини юритиш ва ундиришнинг белгиланган тартиби устидан доимий назоратни амалга ошириш Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси бошлиғига юклатилади.

33. Мазкур Йўриқнома талабларининг* бузилиши қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ижро йиғимини ундириш тўғрисидаги суд ижрочилари қарорларини ҳисобини юритиш ва уларнинг ундирилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида йўриқномага 2-ИЛОВА

БИР ҚАРЗДОРГА НИСБАТАН БИР НЕЧТА ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ИЖРО ЙИҒИМИНИ УНДИРИШ БЎЙИЧА МИСОЛЛАР

1-Мисол. Суд ижрочисининг иш юритувига қарздор — юридик шахсдан турли навбатдаги қарздорликни ундириш тўғрисида 3 та ижро ҳужжати келиб тушган: солиқ бўйича 100 000 сўм боқимонда қарздорлик ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб); хўжалик юритувчи субъектлар

ўртасида шартномавий муносабатлардан юзага келган 60 000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида (олтинчи навбатдаги талаб); гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан 50 000 сўм банк кредитини ундириш тўғрисида (тўртинчи навбатдаги талаб). Бироқ, қарздор томонидан

кўрсатилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжати талаблари ихтиёрий равишда бажарилмаган. Шу сабабли, суд ижрочиси кўрсатилган ҳар бир ижро ҳужжати бўйича ундирилаётган сумманинг 2 фоизи миқдорида ижро йиғими ундириш тўғрисида алоҳида қарорлар чиқарган.

Мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш жараёнида қарздорнинг мол-мулкани реализация қилишдан суд ижрочилари бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига фақатгина 150 000 сўм келиб тушди. Ушбу ҳолатда депозит ҳисоб рақамига келиб тушган суммадан биринчи навбатда солиқлар бўйича боқимонда қарздорлик ва у бўйича ижро йиғими (100 000 сўм (боқимонда) + 2000 (йиғим) = 102000 сўм) ундирилади. Айни пайтда, мазкур ижро ҳужжати бўйича иш юритуви тамомланади. Қолган 48 000 сўм ҳисобидан мутаносиб равишда кейинги навбатдаги талаб ва у бўйича тегишли йиғим (47 040 сўм (кредит бўйича қарздорлик) + 960 (йиғим) = 48 000 сўм) қаноатлантирилади.

2-Мисол. Суд ижрочисининг иш юритувига қарздор — юридик шахсдан бир хил навбатдаги қарздорликни ундириш тўғрисида 3 та ижро ҳужжати келиб тушган: солиқлар бўйича 190 000 сўм боқимонда қарздорликни ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб); иш ҳақи бўйича 60 000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб); муаллифлик шартномаси бўйича 50 000 сўм мукофотни ундириш тўғрисида (биринчи навбатдаги талаб). Бироқ, қарздор кўрсатилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий равишда бажармаган. Шу сабабли, суд ижрочиси кўрсатилган ҳар бир ижро ҳужжати бўйича ундирилаётган сумманинг 2 фоизи миқдорида ижро йиғими ундириш тўғрисида алоҳида қарорлар чиқарган.

Мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш жараёнида қарздорнинг мулкани реализация қилишдан суд ижрочилари бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига фақатгина 150 000 сўм келиб тушди. Ушбу ҳолатда, дастлаб, барча талабларга тўғри келадиган суммалар мутаносиб равишда аниқлаб олинади (натижа = 95000/30000/25000). Сўнгра, бу суммалардан тегишли талаб ва у бўйича ижро йиғими мутаносиб равишда қуйидаги тартибда қаноатлантирилади:

- 1) 93 100 сўм (боқимонда) + 1 900 сўм (йиғим) = 95 000
- 2) 29 400 сўм (иш ҳақи) + 600 сўм (йиғим) = 30 000
- 3) 24 500 сўм (мукофот) + 500 сўм (йиғим) = 25 000

Депозит ҳисоб рақамга келиб тушган маблағлардан 147 000 сўми ижро ҳужжатлари талабларини қаноатлан-

тиришга, қолган 3000 сўм ижро йиғимини ундиришга йўналтирилади.

3-Мисол. Суд ижрочисининг иш юритувига қарздор — юридик шахсга нисбатан 3 та ижро ҳужжати келиб тушган. Ушбу ижро ҳужжатларидан бири мулкый характерга эга бўлмаган (бошқа шахсга бинони топшириш), иккитаси мулкый характерга эга бўлган (солиқлар бўйича 600 000 сўм боқимонда қарздорликни ундириш ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномавий муносабатлардан юзага келган 200 000 сўм қарздорликни ундириш тўғрисида) ҳужжатлардир. Бироқ, қарздор кўрсатилган ижро ҳужжатлари бўйича ижро ҳужжати талабларини ихтиёрий равишда бажармаган. Шу сабабли, суд ижрочиси томонидан мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжати бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида (183 600) ижро йиғими ундириш тўғрисида, мулкый характерга эга бўлган қолган ижро ҳужжатлари бўйича ундирилаётган маблағнинг 2 фоизи миқдорида ижро йиғими ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Мажбурий ижро этиш чораларини амалга ошириш жараёнида қарздорнинг мулкани реализация қилишдан суд ижрочилари бўлимнинг депозит ҳисоб рақамига фақатгина 800 000 сўм келиб тушди. Ушбу ҳолатда депозит ҳисоб рақамига келиб тушган суммадан дастлаб биринчи навбатдаги талаб қаноатлантирилади. Мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича қарздор томонидан тўланадиган ижро йиғими биринчи навбатдаги талабга тенглаштирилганлиги сабабли, у мулкый характерга эга бўлган ижро ҳужжати бўйича бошқа биринчи навбатдаги талаблар билан биргаликда мутаносиб равишда ундирилади. Шунга кўра, солиқлар бўйича боқимонда қарздорликни ундириш ҳақидаги талаб, у бўйича ижро йиғими, шунингдек, мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжати бўйича тўланадиган ижро йиғими биринчи навбатдаги талаб ҳисобланиб, бу талаблар аввал қаноатлантирилади, яъни:

183 600 сўм (мулкый характерга эга бўлмаган ҳужжатлар бўйича ижро йиғими) + 600 000 сўм (боқимонда) + 12000 сўм (боқимонда ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжат бўйича ундирилган йиғим) = 783 600 сўм.

Қолган 16 400 сўм мутаносиб равишда кейинги навбатдаги талабларни (200 000 сўм) қаноатлантиришга ва улар бўйича тегишли ижро йиғимини (4 000 сўм) ундиришга йўналтирилади:

16078 сўм (хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий муносабатлардан юзага келган қарз) + 322 сўм (у бўйича йиғим) = 16 400 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИ, ШУ ЖУМЛАДАН ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ
ҚУРИЛИШНИ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА
КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
12 октябрда 1727-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 41-42-сон, 425-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 54-модда), 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 192-модда) мувофиқ Мар-

казий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кундан кейин амалга киритилсин.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш.,
2007 йил 15 сентябрь
24/6-сон.

*2007 йил 22 октябрдан кучга киради.

**АҲОЛИНИНГ КЕНГ ҚАТЛАМИ, ШУ ЖУМЛАДАН ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН
УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИ ВА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
ВА КРЕДИТЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 54-модда), 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 192-модда) мувофиқ тижорат банклари (кейинги ўринларда банк деб юритилади) томонидан пудрат қурилиш ташкилотларига кўп квартирали уйларни қурилишини ва реконструкциясини молиялаштириш ва кредитлаш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низомга асосан банклар томонидан кредитлар пудрат қурилиш ташкилотларига қайтаришлик, тўловлик, таъминланганлик, муддатлилиқ ва улардан мақсадли фойдаланиш шартларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган яқка тартибдаги ва намунавий лойиҳалар бўйича, қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда («калити билан») қуриш ёки реконструкция қилиш шarti билан берилади.

Бунда пудрат қурилиш ташкилоти бир вақтнинг ўзида ҳам буюртмачи ҳам пудратчи сифатида фаолият кўрсатади.

2. Пудрат қурилиш ташкилотларига кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун кредитлар бериш, ушбу қурилиш ташкилотининг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк томонидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган «Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низом»нинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 17-сон, 146-модда) 40-бандига мувофиқ кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришда тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари объект фойдаланишга топширилгунга қадар пудратчининг балансида бўлади ва унинг солиқ солинадиган базасига киритилмайди. Қурилиш якунлангандан кейин кўп квартирали уйлар қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланишга топширилади.

4. Пудрат қурилиш ташкилоти қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги ўз айланма маблағларига ҳамда қурилиш соҳасида кўп йиллик тажрибага, етарли моддий-техника базаси ва тажрибали мутахассисларга эга бўлиши лозим.

5. Банк томонидан кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун ажратиладиган кредит миқдори унинг, яъни тайёр ҳолда қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уйнинг қийматидан қурилиш ташкилотининг ўз айланма маблағлари ва бизнес-режасида олиниши режалаштирилган фойда миқдори чегирилган ҳолда, аммо қурилиш объектининг 70 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда белгиланади.

Агар пудрат қурилиш ташкилоти қуриладиган ёки ре-

конструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг 20 фоизи миқдордаги ўз айланма маблағига эга бўлмаса, банк кредит кўмитаси унинг ижобий кредит тарихини ҳисобга олиб, ўз қарори билан қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг шу миқдордаги қисмига ҳам кредит ажратиши мумкин. Бунда банк томонидан ажратиладиган кредитнинг умумий суммаси қуриладиган ёки реконструкция қилинадиган кўп квартирали уй қийматининг 90 фоизигача миқдорини ташкил этиши мумкин.

6. Кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шarti билан уйларни қуриладиган ёки реконструкция ишларини амалга оширадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сон қарори билан тасдиқланган «Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида низом»га мувофиқ, суғурта компаниялари билан қурилиш объектини суғурталаш шартномасини тузган пудрат қурилиш ташкилотлари кредитланади. Бунда суғурта шартномаси кредитловчи банк фойдасига тузилади.

7. Кредитдан фойдаланиш муддати қурилиш ёки реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш муддатларидан келиб чиққан ҳолда, аммо 2 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Бунда 12 ойдан ошмаган муддатга имтиёзли давр берилиши мумкин.

8. Кредит бўйича фоиз ставкаси миқдори томонлар келишувига асосан белгиланади.

9. Зарар кўриб ишлаётган, ноликвид балансга эга бўлган, қурилиш хатарларини суғурталаш бўйича суғурта тўловларини тўлиқ ҳажмда тўламаган пудрат қурилиш ташкилотларига, шунингдек, улардан фойдаланишга топшириш муддатлари кечиктирилган, қурилиши тугалланмаган кредитланадиган объектлар ёки илгари берилган кредитлар бўйича муддатида тўланмаган қарз ёки бошқа молиявий мажбуриятлар мавжуд бўлганида, кўп квартирали уйларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишига кредитлар берилмайди.

II. КРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

10. Пудрат қурилиш ташкилоти томонидан кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) кредит мақсади, таъминоти, муддати ва суммаси кўрсатилган кредит олишга буюртманома;

б) кўп квартирали уй қурилиши учун ер участкаси ажратилганлиги ва ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқни ёки реконструкция қилинадиган объектга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари;

г) Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан берилган экспертиза ҳулосалари, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсати, объектнинг рўйхат карточкаси;

д) электр энергия, газ, иссиқлик энергияси, сув ва канализацияга улашнинг техник шартлари;

е) белгиланган тартибда тасдиқланган қурилишнинг аниқ мўлжалли рўйхати, титул рўйхати ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш жадваллари;

ж) пудрат қурилиш ташкилотининг қурилиш таваккалчиликларини суғурталаш юзасидан тузган шартнома нусхаси ва суғурта полиси;

з) бизнес-режа;

и) пудрат қурилиш ташкилотининг кредитга лаёқатлилик даражасини аниқлаш учун солиқ органлари томонидан ўрнатилган тартибда қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган унинг охириги ҳисобот санасига бўлган молиявий ҳисоботлари (1, 2, 2а, 4 ва 5-сонли шакллар);

к) кредит бўйича таъминот тури ва ушбу таъминот бўйича белгиланган тартибда расмийлаштирилган тегишли ҳужжатлар;

л) бошқа ташкилот ва муассасалар олдидаги қарздорликлари ва бошқа банклардаги мавжуд маблағлари бўйича маълумотномалар (маълумотлар молиявий ҳисоботларга мос бўлиши лозим) ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар устав капиталларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотнома;

м) қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартиралар уйдаги қаватлар сони, ҳар бир квартиранинг умумий ва яшаш майдонлари ҳажми, 1 кв.м. ўртача қиймати ҳамда ҳар бир квартирани аниқ қиймати кўрсатилган маълумотнома.

11. Банк пудрат қурилиш ташкилоти томонидан тақдим этилган маълумотларни лойиҳа ҳужжатларига мос равишда тузилганлигини текширади ва улар асосида бериладиган кредит миқдорини аниқлайди.

12. Бериладиган кредит миқдори аниқлангандан кейин банк қарз олувчининг молиявий ҳолатини таҳлил қилади ва унинг кредитга лаёқатлилик даражасини аниқлайди.

Барча таҳлиллар амалга оширилганидан кейин банк кредит бўлими ходими ва кредит бўлими бошлиғи томонидан имзоланган хулоса тузилади ва банк кредит қўмитасига тақдим этилади.

13. Банк кредит қўмитаси кредит буюртманомаси, унга илова қилинган барча ҳужжатларни ва ушбу кредит буюртманомаси бўйича банкнинг кредит бўлими хулосасини кўриб чиқиб аризани қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Кредит буюртманомасини кўриб чиқиш муддати ушбу буюртманома ва унга илова қилинган барча ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан 20 банк иш кунидан ошмаслиги керак.

Банкнинг кредит қўмитаси томонидан кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш кунини муддатида қарз олувчига, кредит беришнинг рад этилиши сабаблари кўрсатилган ёзма хулосани жўнатади.

14. Банкка пудрат қурилиш ташкилоти томонидан қуйидаги таъминот турларидан бири ёки бир нечтаси тақдим этилади:

кўчмас ва кўчар мулк гарови;

банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;

учинчи шахс кафиллиги;

кредитни қайтарилмаслик хатарининг суғуртаси.

Банк пудрат қурилиш ташкилотидан қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартиралар уйдаги квартираларни келажакда сотилишидан тушадиган маблағларни гаровга қўйилишини талаб қилиш ҳамда қурилиш ишлари ниҳоясига етмай қолганда қурилиши тугалланмаган кўп квартиралар уйга эгалик қилиш ҳуқуқларига эга бўлади.

15. Кўп квартиралар уйни қуриш ёки реконструкция қилиш учун берилган кредитларни қайтарилиш таъминоти сифатида ушбу уйдаги квартираларни келажакда сотишдан тушадиган тушумлар гаровга олинган тақдирда бу борада алоҳида гаров шартномаси тузилади.

Гаров шартномасида банк кредити ҳисобидан қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартиралар уйдаги квартираларни сотишдан тушган барча тушум бевосита кредит учун ҳисобланган фоизлар тўловига ва кредитни қайтаришга йўналтирилиши белгилаб қўйилади. Ушбу шарт кредит шартномасида ҳам белгилаб қўйилиши лозим.

16. Кредит шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб олинган кредитлар тўлиқ сўндирилганига, комиссиялар, фоизлар ва уларга доир пенялар тўланганига қадар амал қилади.

III. КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

17. Кўп квартиралар уйларни қуриш, реконструкция қилиш учун банк томонидан кредит бериш, қарз олувчи номига ҳар бир объект номи ва рақами акс этирилган алоҳида ссуда ҳисобварағи очиш ҳамда ушбу ҳисобварақдан пудрат қурилиш ташкилотининг тўлов топшириқномаси асосида қуйидаги мақсадлар учун пул маблағларини нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан амалга оширилади:

қурилиш материалларини харид қилишга;

қурилиш монтаж ишларини бажариш жадвалларига мувофиқ ёрдамчи пудрат ташкилотларига бажариладиган ва бажарилган ишлар, автотранспорт, механизм хизматлари учун тўловларни;

тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш харажатлари (ёқилғимойлаш материаллари, табиий газ, электроэнергия, сув ва бошқалар);

кредитланаётган қурилиш объектида банд бўлган ходимларга иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

18. Ссуда ҳисобварағидан қурилишнинг титул рўйхати ва капитал маблағлардан фойдаланишнинг унда кўрсатилган йўналишларига мувофиқ келмайдиган тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

19. Пудрат қурилиш ташкилотини кредитлаш босқич-ма-босқич молиялаштириш ва қурилиш-монтаж ишларни бажариш жадваллари асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) қарз олувчининг ссуда ҳисобварағидан унинг тўлов топшириқномасига асосан кредит шартномаси умумий суммасининг 50 фоизгача миқдорда аванс тўловлари бўйича;

б) қарз олувчи томонидан аванс маблағлари ҳисобига бажарилган ишлар далолатномаси тақдим этилгандан сўнг (аванс миқдоридан кам бўлмаган миқдорда), кредит шартномаси умумий суммасининг қолган 50 фоизи бажарилган ишлардан келиб чиққан ҳолда. Бунда банкнинг масъул ходимлари жойига чиққан ҳолда берилган кредит маблағларини мақсадли ишлатилганини ўрганган ҳолда далолатнома тузади.

IV. КРЕДИТЛАРНИ ВА УЛАРГА ҲИСОБЛАНГАН ФОИЗЛАРНИ СЎНДИРИШ ТАРТИБИ

20. Берилган кредитларга фоизлар кредит қолдигига ҳар кун ҳисоблаб борилади ва кредит шартномасида белгиланган муддатларда ундирилади.

21. Берилган кредитларга ҳисобланган фоизлар ва кредит бўйича асосий қарзни қайтариш, пудрат қурилиш ташкилоти томонидан банк кредити ҳисобига қурилаётган ёки реконструкция қилинаётган кўп квартиралар уйдаги квартираларни сотишдан тушган маблағларни жамлаш мақсадида очиладиган махсус молиялаштириш депозит ҳисобварақдаги (22626 — корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

22. Кўп квартиралар уйни қуриш учун банкдан кредит олган пудрат қурилиш ташкилоти кредит берган банкка унга қурилаётган кўп квартиралар уйларни сотишдан тушган маблағларни жамлаш учун алоҳида махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағи очишни сўраб ариза тақдим этади.

Банк пудрат қурилиш ташкилотининг ушбу аризаси асосида унга белгиланган тартибда 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағини очади.

23. Ушбу махсус молиялаштириш депозит ҳисобварағига фақат банк кредити ҳисобига қурилаётган кўп квартиралар уйдаги квартираларни сотишдан тушган пул маблағлари кирим қилинади.

24. Пудрат қурилиш ташкилоти томонидан кўп квартиралар уйлардаги квартиралар ушбу турар жойларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган нархларда, тижорат банкларининг ипотека кредитлари орқали аҳоли,

шу жумладан ёш оилаларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қошидаги ишчи гуруҳларининг тавсияларига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

Кўп квартирали уйдаги квартираларнинг бир қисмини банк билан келишилган ҳолда корхона ва ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда олдиндан пул ўтказиш орқали сотиб олиб уларда ишлаб турган ёш оилалар аъзолари ва бошқа ходимларига беришлари мумкин.

25. Қурилиш пудрат ташкилотига кўп квартирали уйни қуриш ёки реконструкция қилиш учун кредит берган банк томонидан кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун кредит бериш борасида ижобий қарор қабул қилинганидан кейин қарз олувчи ҳар бир жисмоний шахсга уларнинг аризаларига мувофиқ квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган дастлабки бадални киритиб қўйиш учун жамғарма омонат ҳисобварақлари очилади ва дастлабки бадал кирим қилинади ҳамда унга Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган ставкада фоиз ҳисоблаб борилади.

26. Банклар жамғарма омонат ҳисобварақига сотиб олинган квартира қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бадал кирим қилинганлиги тўғрисида пудрат қурилиш ташкилотига бадал киритган жисмоний шахслар рўйхатини илова қилган ҳолда маълумотномани тақдим этади.

Ушбу маълумотнома пудрат қурилиш ташкилоти учун жисмоний шахс билан кўп квартирали уйдаги квартирани сотиш борасида шартнома тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

27. Пудрат қурилиш ташкилотидан кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олаётган жисмоний шахс банкдан кредит олмасдан тўлиқлигича ўз маблағлари ҳисобига сотиб олмақчи бўлгани тақдирда биринчи бадални киритиш учун жамғарма омонат ҳисобварақини қурилиш пудрат ташкилотига кўп квартирали уйни қуриш ёки реконструкция қилиш учун кредит берган банкда очади. Жисмоний шахс ва пудрат қурилиш ташкилоти ўртасида кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш борасида шартнома тузилгандан кейин жисмоний шахс квартира қийматининг қолган 75 фоизини ўзининг номига очилган жамғарма омонат ҳисобварақига бирданига ёки қисмларга бўлиб ўтказиши мумкин.

28. Дастлабки бадалнинг бир қисмини ёки барча суммасини ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш берувчиси бўлган юридик шахслар томонидан пул ўтказиш орқали ипотека кредити олувчи ёш оила аъзоси номига очилган жамғарма омонат ҳисобварақига ўтказиб берилиши мумкин.

29. Жисмоний шахсга кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун қурилиш пудрат ташкилотига кўп квартирали уйни қуриш ёки реконструкция қилиш учун кредит берган банк томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида низом»да (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 9-модда) белгиланган тартибда ипотека кредити берилади.

Ёш оилаларга ипотека кредити берилишида «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низом»да (2007 йил 18 июль, рўйхат рақами 1697, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 29-30-сон, 308-модда) белгиланган имтиёзлар ҳисобга олинади.

30. Жисмоний шахсларнинг жамғарма омонат ҳисобварақларида сотиб олинаётган кўп квартирали уйдаги квартира қийматига тенг миқдорда тўпланган маблағлар ёки камида 25 фоиз бошланғич бадали киритилган ва қолган қисмига расмийлаштирилган ипотека кредити маблағлари жисмоний шахс ва пудрат қурилиш ташкило-

ти ўртасида квартирани олди-сотди шартномаси имзолангандан ҳамда кўп квартирали уй қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга (эксплуатацияга) қабул қилингандан кейин пудрат қурилиш ташкилотининг 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварақига ўтказиб берилади.

Юридик шахслар томонидан ушбу кўп квартирали уйдаги квартирани ўз ходимларига, шу жумладан ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олиш учун ўтказиб берилган маблағлари ҳам ушбу 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварақига кирим қилинади.

31. Пудрат қурилиш ташкилотининг 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварақига кўп квартирали уйлардаги квартираларни сотиш натижасида келиб тушган маблағлар, биринчи навбатда кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш учун олинган кредитларга ҳисобланган фоизлар тўловига ва кредитларни қайтаришга йўналтирилади.

Кўп квартирали уй қийматининг 5 фоизи миқдоридаги қисми шартномада қайд этилган пудрат қурилиш ташкилотининг кафолатли муддати тамом бўлгунга қадар 22626-сонли «Корхона ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус молиялаштириш депозит ҳисобварақига сақлаб турилади ва қолган ортиқча маблағлар белгиланган тартибда банк томонидан мемориал ордер билан пудрат қурилиш ташкилотининг асосий ҳисобварақига ўтказиб берилади.

32. Пудрат қурилиш ташкилоти кредит бўйича қарз қолдиғини қайтаришни ва унга ҳисобланган фоиз тўловларини муддатидан олдин банк билан келишган тартибда амалга ошириши мумкин.

V. БАНКНИНГ КРЕДИТЛАРДАН МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚАЙТАРИЛИШНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

33. Банклар кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга оширади. Мониторинг давомида банк кўп квартирали уйларни қуриш ёки реконструкция қилиш жадвалига риоя қилинишини, ссуда ҳисобварақидан тўловларни амалга ошириш вақтида уларнинг лойиҳага мувофиқлигини ва кредитдан мақсадли фойдаланилишини, кредитни қайтарилишини ҳамда унинг бўйича фоизлар тўланишини ва кредит таъминоти ҳолати бўйича назоратини амалга оширади.

Банк мониторинг давомида берилган кредитни мақсадга мувофиқ ишлатилаётганлигини бевосита жойига чиққан ҳолда ўрганади, шунингдек, зарурият вужудга келганда назорат ўлчовларини ҳам амалга оширади. Мониторинг вақтида берилган кредитлар бошқа мақсадларда ишлатилганлиги ёки ҳисоботларда қайд этилган ҳажмларда қурилиш-монтаж ишлари бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда банк бошқа мақсадларга ишлатилган кредитларни ва ҳисобланган пеняларни ундириб олиш чораларини кўради.

Банк томонидан кредитдан бошқа мақсадларда фойдаланганлик учун қарз олувчига нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

34. Асосий қарз ва у бўйича ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, банк қарз олувчининг мажбуриятларини бажарилмаётгани сабабларини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган кредитни қайтаришни таъминлаш чораларини кўришни талаб қилади.

35. Агар кредитни ўз вақтида ундириш бўйича кўрилган чоралар зарур натижани бермаса ва кредитнинг қарз олувчи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилмаслик хавфи вужудга келса, берилган кредитни ва у бўйича ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириб олади. Ушбу шартлар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

БИЗНЕС Панорама

РЕКЛАМА & АХБОРОТ

«Норма маслаҳатчи» 50 (127)-сон

2007 йил 14 декабрь

Бланкалар
Бандероллар
Тезтиккичлар
Бухгалтерия ва ёзув-чизув дафтарлари

AGENT VA ДИЛЕРЛАР ҲАМКОРЛИККА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ

Тел./факс: 150-0090, 150-0091 Уяли: 187-9797

Тўлов исталган шаклда

«GAMILON» МЧЖ таклиф этади

КАНЦТОВАРЛАР

Шартномавий нархлар

Манзил: Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 6 А
 Тел.: 144-66-81, 144-85-23

«ART-FLEX» МЧЖ ҲАММАСИ ОФИС УЧУН

○ КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ЁЗУВ-ЧИЗУВ ҚУРОЛЛАРИ ВА МАКТАБ АНЖОМЛАРИ
 ○ ТУРЛИ ОФИС ҚОҒОЗЛАРИ, БЛОКНОТЛАР
 ○ ТЕСТИКИЧЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА БОШҚ.
 ○ ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ, СОАТЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИ
 ○ ЭЛЕКТР ҲУЖАЛИК ТОВАРЛАРИ ВА БОШҚ.

Тел.: 144-0493, 144-3792, 267-9753, 68-7597

«Melanj» МЧЖ хизматларини кўрсатади

ХОНАЛАРГА САНИТАРИЯ ИШЛОВИ БЕРИШ

- Дезинсекция (суварақлар, чивинлар, кумурсқалар, пашшалар, каналар ва б.ни йўқ қилиш)
- Дератизация (каламуш ва сичқонларни йўқ қилиш)

Бутун Ўзбекистон бўйлаб бир марталик ишлов беришлар ва йиллик хизмат кўрсатишга шартномалар тузамиз

Аъло натижа ва хизматларнинг юқори сифатли бўлишини кафолатлаймиз

Тел.: 262-36-48, 127-63-38

«ALFA-DENT» ХФ

клиникалар тармоғи

- Тишларни даволаш ва протезлаш
- Юзнинг косметик жарроҳлиги, пирсинг

Тел.: 152-37-33, 54-24-24

Госпитал бозор ёнида ЦУМ ёнида

Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 144-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.

INTER-PRESS – 2008

БИЗНЕС-НОНУШТА ШАНБАГА ТАЙИНЛАНДИ

Тонг. Офис. Кўнғироқ чалинди. Амалий тусдаги даврий нашр. Котиловкалар, курслар, тамойиллар, энг охириги янгиликлар, таҳлил. Маҳсулот етказиб берувчиларга кўнғироқ қилиш. Охириги туркум нарҳини тушириш, янгиликларни ҳозирча ушлаб туриш. Ҳамкорлар билан учрашув тайинлаш – стратегияни муҳокама қилиб, база бўйича маълумотларни текшириш. Энг асосий нарсани ёддан чиқармаслик. Ҳа-я! «ИНТЕР-ПОЧТА» курьерлик хизмати олти кунлик иш ҳафтасига ўтди. Энди нашрлар шанба кунлари ҳам етказиб берилди. Демак: шанба кун эрталабдан – почта, соат 11.00 да – Инконелда бизнес-нонушта, сўнгра – барча жорий лойиҳалар бўйича ҳисобот тингланадиган мажлис, кейинги кун консалтинг фирмаси билан боғланиш. Яна янги маҳсулот бўйича семплингларга тайёргарликни текшириш. Минтақавий менежерларни чақиришни ҳам унутмаслик. Янги транспорт чизмаси қай аҳволдалигини текшириш.

P.S. Агар курьер бугун Кўнғироқ қилмаган бўлса, демак бугун – ЯҚШАНБА. «ИНТЕР-ПОЧТА» томонидан исботланган.

INTER-PRESS
 АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
 КОРПОРАТИВ ОБУНА

100011, Ўзбекистон, Тошкент, Навоий кўч., 13
 Тел./факс: (998 97) 119 00 00, 144 22 21
 Тел.: (998 97) 119 63 83, 155 09 55
 E-mail: book@interpress.uz
 Http://www.interpress.uz

«Sanar Motors» МЧЖ KIA Motors нинг Ўзбекистондаги расмий дилери

Optima Carens Sportage Cerato

KIA
 KIA MOTORS
 The Power to Surprise

Автосалон: Тошкент ш., Ҳ.Абдуллаев кўч., 54А, «Буюк Ипак йўли» метро бекати.
 Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975.
 www.kiamotors.com

БИЗНЕС

144 02 01
 144 02 40

РАСМИЙ ДИЛЕР

«УЛЬЯНОВСКО АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ» ОАЖ

«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ ХИИК

Тошкентдаги омбордан УАЗ русумидаги барча автомобиллар ва ишлаб чиқарувчидан эҳтиёт қисмларни сотади

УАЗ Patriot Classic, УАЗ Patriot Comfort, УАЗ Patriot Limited

УАЗ Hunter

Комбинацияланган УАЗ-3909 фермер
 Яхлит металл фургон УАЗ-3741
 Махсус юк ва йўловчи ташувчи УАЗ-39625
 Микроавтобус УАЗ-2206
 Санитар автомобили УАЗ-3962

Бортли УАЗ-3303

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Х.Дўстлиги кўч., 27. E-mail: vostokrusavto@bk.ru

ARHAT graphics

Дизайндан тайёр клишегача тайёрлаш бизнинг ишимиз!

Паст нархлар, юқори сифат!

- Флексограф босма учун полимер қолиплар (босма клише) тайёрлаш
- Фотопенкаларни чиқариш
- Дизайн ишлаб чиқиш
- Флексограф босма учун файлга босмагача ишлов бериш

E-mail: cmyk@arhat-group.com
 www.arhat-group.com

Тел./факс: (99871) 144 07 04, 144 84 83, 142 70 50, 142 79 13.

www.pharmed.uz

Миллий тиббий интернет-портал

Тиббиётга оид энг долзарб янгиликлар ва нафақат...

- ✓ Етакчи шифокорлар маслаҳатлари
- ✓ Фойдали мақолалар
- ✓ «Она ва бола» рукни
- ✓ Ҳаммаси Ўзбекистон клиникалари ва санаторийлари ҳақида
- ✓ Эълонлар тахтаси: иш, бўш иш ўринлари ва резюмелар
- ✓ Талабалар ва мутахассислар учун рефератлар, дарсликлар ва кўплаб бошқа нарсалар

Тел.: (998 90) 175 75 00 E-mail: contact@pharmed.uz

KINEK
Хизматлар лицензияланган

МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ

БИЗНЕС-РЕЖА ВА ТИАларни ИШЛАБ ЧИКИШ

PR_563

Тел. 132-00-24, 175-74-62

E-mail: Info@kinek.uz, web: kinek.uz

Хизматлар лицензияланган

«ELIF HISOB» МЧЖ
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ

- БАРЧА ТУРДАГИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАЙТА БАҲОЛАШ
- ТИА ВА БИЗНЕС-РЕЖАЛАР ТУЗИШ
- КРЕДИТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ГАРОВ ТАЪМИНОТИ БИЛАН МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ
- ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЕРИШ УЧУН БАҲОЛАШ

Жойига чиқиш билан
Хизматлар нархи - ҳаммабоп

444-59-60, 181-06-55, 279-08-04

Хизматлар лицензияланган

МОЛ-МУЛКНИ МУСТАКИЛ БАҲОЛАШ

RelMon - MIR
БАҲОЛАШ КОМПАНИЯСИ

